

“МУТАФАККИРЛАР”
илмий-оммабоп рисолалар туркуми

Бахтиёр ТҰРАЕВ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
хузуридаги Республика таълим марказининг
Тарих фани йўналиши бўйича илмий методика
Кенгаши нашрга тавсия этган

«TAFAKKUR» иашриёти
Тошкент — 2010

72.3(5У)

T87

Тураев, Бахтиёр.

Абу Райхон Беруний/Б.Тұраев; таҳрир ҳайъати: У.Алимов ва бошқ. -Т.:«Тафаккур», 2010. - 96 б. - («Мутафаккирлар» илмий-оммабол рисолалар түркүми).

ББК 72.3(5У)

Таҳрир ҳайъати:

У.АЛИМОВ, У.УВАТОВ, А.ХАСАНОВ, Б.ТУРАЕВ,
А.АЧИЛДИЕВ, Қ.НАЗАРОВ, М.ҚУРОНОВ, О.ЮСУПОВ,
Н.ЖАББОРОВ, А.МУХТОРОВ, Ю.МАХМУДОВ.

Бу рисолада буюк ватандошичиз, Хоразм түпрөгидан етисишиб чиққан улуг мутафаккир, энциклопедист олим Абу Райхон Беруний ҳақида маълумотлар түпланған.

«Мутафаккирлар» илмий-оммабол рисолалар түркүми Имом Бухорий халқаро маркази ва «Тафаккур» нашриётининг қўйишма лойиҳасидир.

ISBN 978-9943-372-24-5

© «Имом Бухорий халқаро маркази»
© «TAFAKKUR» нашриёти, 2010.

Abu Rayhon Beruniy

Бизнинг тарихимизда жаҳонга донг таратган улуг мутафаккирлар ўтган экан, уларнинг қолдирган илмий-маънавий мероси, ибратли ҳаёти, таълимоти буғунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бу меросни ўрган-масликка, таърифламасликка, тарзиб этмасликка ҳақимиз йўқ.

Ислом КАРИМОВ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ (973–1048)

Исми-шарифи

Абу Райхон Мұхаммад ибн Аҳмад Беруний (973–1048). Бу исмнинг “Абу Райхон” қисми Райхоннинг отаси эканлигини¹, “Мұхаммад” мутафаккирнинг ўз исми, “ибн Аҳмад” Аҳмаднинг ўғли эканлигини англатади. Беруний нисбаси эса унинг тақаллуси.

Ү зот ким эди?

Абу Райхон Беруний ўрта асрнинг буюк қомусий олимі – энциклопедисти. У бир вақтнинг ўзида астроном, астролог, математик, геолог, географ, ўлкашунос, биолог, медик, үсімликшунос, маъданшунос, тарихчи,

¹ Берунийнинг түлиқ исми-шарифи арабчада “Абу ар-Райхон Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Беруний” деб ёзилади. Бу нисбадаги Абу Райхон арабча “Райхоннинг отаси” ёки “райхонли кипи” деган маънени беради. Балки Берунийнинг ўшылғыда үсімліктарга, ботаникага жылдый қизиққанлыгидан шу нисба, “райхонли кипи” нисбаси берилған бўлса ажаб эмас.

манбашунос, диншунос, адабиётшунос, физикусуф, социолог, мантиқшунос, илоҳиётчи, одам ва шоир бўлган. У ҳақда унинг ўз даврида шуғулланган соҳасини санаидан кўра шуғулланмаган соҳасини санаши осонроқ эди, дейинш мумкин. Беруний астрономияга, астролябияга (осмон жисмларини кузатувчи асбоб), геодезияга, минералогияга, фармакогнозияга, географияга, астрологияга, топономикага, диншуносликка, тарихга оид маҳсус асарлар ёзган.

Қачон ва қаерда туғилган?

Беруний 973 йил 9 сентябрда (ҳижрий 362 йил зулхижжа ойининг 3-кунида) Хоразмнинг қадимий пойтахти ҳисобланган Кот (Кат) шаҳрида туғилган. Айрим манбаларда Беруний Кот шаҳрининг ташқарисида туғилган, шу сабабли у “Беруний”, яъни, “ташқарилик” деган таҳаллус билан аталган дейишади. Абдулкарим ас-Самъоний (ваф.1165) “Насаблар китоби” номли асарида шундай деб ёзади: “Беруний деган нисба Хоразмнинг (яъни, унинг пойтахти Кот шаҳрининг) ташқари қисмига оидdir. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай

Абу Райхон Беруний

одамни “фалончи беруний” дейдилар. Мунажжим Абу Райхон шундай нисба билан машхурдир¹. Кот шаҳри X асрда ҳоразмшоҳлар – африғийлар сулоласининг пойтахти, Ўрта Осиёning энг йирик савдо марказларидан бири эди. Бу даврда Хоразм билан Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Эрон, Кавказ ва Европа давлатлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар анча ривожланган эди. Хоразмликлар асосан мўйна, қорамол, балиқ ва хунармандчilik буюмлари билан савдо қилишган. Хитойдан чинни ва ипак буюмлар, Ҳиндистондан зираворлар харид қилишган. Европалик, рум ва суриялик савдогарлар турли-туман хунармандчilik, заргарлик буюмларини келтиришган. Хоразмда хунармандчilikning кулолчилик, шишасозлик, заргарлик, тўқувчилик, қандакорлик ва ёғоч ўймакорлиги турлари ривожланган. Қадимдан Хоразмда математика, астрономия, геодезия, математика география фанлари тараққий этиб келган. Бу

¹ The Kitab al-Ansab of Abd al-Karim ibn Muhammad al-Sam'ani reproduced in Faksimile, Leyden-Landon, 1912 y. 98 p.

илемларга қизиққан кишилар дунёning узоқ-узоқ бурчакларидан Хоразмга келишган. Кот шаҳрида хитойлик, суряялик, румлик, юонистонлик ва ҳатто андалусиялик (испаниялик) кишиларни ҳам учратиш мумкин эди, деб ёзинади тарихчилар. Улар нафакат илм ўрганиш учун, балки ўз илмларини ёйиш учун ҳам келишарди. Бу ҳолат Хоразмда илм эгаллашга кенг шароит яратилганидан далолат беради. Беруний ана щундай муҳитда ақлини таниди ва ёшлигидан илмга меҳр қўйди. Беруний ўзининг ёшлиги хақида хотирлаб: “Мен бир Юонистондан келиб қолган олимдан турли хил ўсимликларнинг юончада қандай аталишини сўраб, бир дафтарчамга батафсил ёзиб борар эдим ва уларни ёдлаб олардим”, – деб ёzáди. Кот шаҳри бир неча бор истилочилар томонидан қайта-қайта вайрон қилинган ва ҳар сафар янгитдан тикланганда бошқа номлар билан атала бошлаган. Яқин тарихда бу шаҳар 1957 йилгача Шаббоз (Шайх Аббос Вали) деб атаб келинган ва 1957 йили Беруний номи берилди. Беруний шаҳри ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган.

Абу Райхон Беруний

Қандай оиласа вояга етган?

Берунийнинг оила аъзолари, ота-боболари ва насл-насаби ҳақида маълумотлар сақланмаган. Берунийнинг ўзининг ёзишича, унинг онаси ўтин терии билан тирикчилик қилин. Бу маълумот Берунийнинг мухтоҷ тикда кун кечирувчи оиласа вояга етганинидан далолат беради.

Қандай даврда ва мухитда яшаган?

Хасринг иккинчи ярми ва XI аср Хоразмда илм-маърифат ниҳоятда ривожланган бир давр эди. Бир томондан Хоразмда Авесто ғоялари ва зардуштийлик дини билан боелиқ қадимий илmlар равнақ топган бўлса, иккинчи томондан Қадимги Юнонистондан келган фалсафий таълимотлар, Эрондан келган мажусийлик, коҳинлик аньналари, исавийлик, мусавийлик, Күшонлар даврида тарқалган буддавийлик ва ниҳоят ислом дини ва маданияти ҳалқнинг маънавий дунёсига таъсир қилган давр эди. Беруний яшаган даврларда араб олимларининг таълимотлари, Куръон ва ҳадисларга асосланган ғоялар кенг таркаланган эди. Шундай бир синтетик маданиятлар ривожланган шароитда ҳалқнинг илғор зиёлилари турли тилларни

эгаллашга интилишган. Беруий хам қадимги хоразм тилидан ташқари, араб, сўғедий, форс, юонон, сурёний ва қадимги яхудий тилларини пухта билган ва шу тилларда ёзилган адабиётларни ўқий олган. Кейинчалик Маҳмуд Газнавий билан Ҳиндистонга борганида санскрит (қадимги ҳинд тили) тилини хам ўрганиб олган. Беруний яшаган даврда Қуръонни ёд олиш одати кенг ёйилган эди. Бу одат кишиларнинг хотирасини чиниктирган ва турли тилларни ўрганишга рафбатни кучайтирган. Бундан ташқари, хоразмликларнинг хотираға зўр беришларининг сабабини Беруний шундай изоҳлайди: “Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўргантган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдирганлиги сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш

куватига суюнадиган бўлдилар”¹. Араблар VII—VIII асрларда бутун Марказий Осиёни босиб олиш учун юриш бошлиган. Араб саркардаси Кутайба ибн Муслим ал-Боҳилий ўта шафқатсизлик билан юртни қилиб, Қадимий Хоразмнинг маданий ёдгорликларини, ибодатхоналарини вайрон қиласди, китобларини гулханда ёндиради. Қадимий Хоразм фан-маданиятини яхши эгаллаган, қадимий қўлёзмаларни ўқий оладиган олимларни қатл қиласди. IX—X асрларга келиб сомонийлар салтанати вужудга келгач, фан ва маданият яна юксала бошлайди. Туркий халқларнинг шарқий ҳудудларида мустақил давлатчилик анъаналарини тиклаб олган Корахонийлар 995—997 йиллари сомонийлар давлатига қарши юриш қиласди. Кот шахри Урганч амири Маъмун I (995—997) томонидан босиб олинади ва афригийлар сулоласи барҳам топади. Корахонийлар аста-секин бутун Мовароунаҳри эгаллайди. Улар араб ҳукмдорлари билан келишиб, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни бутунлай ўзларига қаратиб отади. 997—1017 йилларда хокимият Маъмун

¹ Беруний А. Қадимги халқтардан қолган ёдгорликлар (Осори ал-боқия) // Танланган асарлар. 1-том. Т.:Фан, 1968. 72-6., 76-6.

биринчининг ўғли Маъмун иккинчи қўлига ўтади. У пойтахтни Урганчга кўчиради ва анча маърифатпарвар инсон бўлганлиги сабабли илм-фан тараққиётига раҳнамолик қилган. Урганчда “Маъмун академияси” ташкил этилади. Кўп мамлакатлардан илм-фан билан шуғулланувчи олимларни бу ерга олиб келиб, уларга яхши шароитлар яратилади. Беруний шу олимларнинг етакчиларидан бири эди. Унинг атрофида яхши илмий жамоа түпланган. Бу даврда юртимизда илм-маърифат, фан ва маданият яна юксала бошлаган. 1017 – 1018-йиллар Хоразмда яна нотинчлик даври бошланди. Бир томондан Мовароуннахрда қорахонийлар ҳукмронлиги, иккинчи томондан Хуресон ва Афғонистонда ўрнатилган Махмуд Газнавий ҳукмронлиги (998–1030) ўртасидаги низолар Хоразмда шаклланган маърифат ўчоининг барбод бўлишига олиб келди. Беруний умрининг охиригача Газнавийлар қўлида хизмат қиласди. XIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур ҳаким ва хаттот Фазанфар ат-Табризийнинг ёзишича, Абу Райхон Беруний 1048 йилнинг 13 декабрида (440 хижрий йил ражаб ойининг 3-кунида) Газна шаҳрида вафот этган. Бу олим Берунийнинг

Абу Райхон Беруний

сүнгги асари “Сайдана”ни күчирган. Берунийнинг таржимаи ҳолини ёзган тарихчи олим Абу Абдуллоҳ Шаҳобиддин Ёкуб (Ёкут) ибн Абдуллоҳ ар-Румий Ҳамавий (1179–1229)нинг ёзишича, Беруний вафот этганида, анча кексайиб, 80 ёшдан опиб қолган эди деб, унинг вафотини ҳижрий 443 йил (милодий 1051–1052) деб ёзган.

Устозлари

Беруний ёшлигига устози машҳур олим Абу Наср ибн Ирок Мансур ибн Алидан (? – 1036) таълим олиб штм сирларини ўрганган. Беруний бу устозини қўпгина асарларида ҳурмат билан тилга олиб ўтади. Ибн Ироқнинг ҳам Берунийга меҳри кучли бўлган. У астрономия, геометрия ва математикага оид 12 та асарини шогирди Абу Райхон Берунийга бағишлаб ёзган ва бу улуғ шогирдини кўп асарларида ҳурмат билан тилга олган. Ибн Ирок Берунийни Евклид геометрияси ва Птоломейнинг астрономик таълимоти билан таништирган. У ўз шогирдининг инҳоятда истеъдодли экантигини таъкидлаб, Берунийнинг ёшлигига мустакил астрономик кузатиш ишларини олиб боргантигини (994–

995 йиллар), бунинг учун маҳсус астрономик асбоб ҳам ихтиро қилганлигини ёзиб қолдирған¹. 995–997 йиллари Кот Маъмун I томонидан босиб олингандан кейин африкийлар сулоласи тугатилди. Шу даврда таҳтдан туширилган амир хизматида бўлган Берунийнинг ҳаёти ҳам хавф остида қолади ва у 22 ёшида Хоразмни тарк этишга мажбур бўлади. У дастлаб Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган Журжон шахрига бориб, у ерда муҳожирликда яшайди. Сўнгра Эроннинг Рай шахрига бориб истиқомат қиласи ва у ерда нихоятда фақирликда кун кечиради. Ҳатто илмий мунозараларда ҳам пулдор олимлар унинг муҳтоҗлиги устидан масхара килиб кулишарди. Бу ҳақда Беруний шундай эслайди: “Рай шахрида бир олим астрономия соҳасида мен билан баҳсга киришди ва гарчи у илмда мендан анча паст турса-да, мендан ўзини юқори олиб, ҳатто каминани ҳақорат ҳам қилди. Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга

¹ Бируни. Минералогия. М., Изд-во АН СССР, 1963. С.273.

Абу Райхон Беруний

айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки мен у вактда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонхол эдим”¹. Беруний Рай шаҳрида исфаҳонлик бир савдогар дўстининг уйида меҳмон бўлиб яшаган. Урта Осиёда вазият мўътадиллана бошлагач, олим Райдан яна Журжонга кайтиб келади ва бу жойда иккинчи устози – табиб, астроном ва файласуф Абу Саҳл Исо бин Яҳё ал-Масиҳий ал-Журжоний (? – 1010) билан танишади, ундан таълим олади. Шунингдек, Берунийнинг Абдул Аввал ибн Абдусамад исмли устозини султон Махмуд Фазнавий карматликда айблаб қатл эттирган. Бу ҳакда Ёкуб Ҳамавий ёзиб колдирган.

Ҳукмдорлар саройида

928–1042 йиллар жануби-ғарбий Хоразм ва Каспий денгизи олди вилоятларига зиёрийлар сулоласининг машҳур вакили Кобус ибн Вашмгир ҳукмронлик қилган. Бу ҳукмдор Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилган, аммо Беруний бу лавозимни рад этиб илм билан шуғулланишга жазм қилади. 1000 йили

¹ Абдуллаев И. Беруний ва унинг “Қадимги ҳалқлардан колган ёдгорликлар” асари. // Беруний. Танланган асартар. 1-том. Т.:Фан, 1968. 7-6.

Беруний жаҳон фани тарихида қимматбаҳо манба ҳисобланган “Осори ал-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарини ёзди ва мазкур асарни “Шамс ал-Маолий” (“Олий мартабалар қуёши”) лақаби билан машҳур бўлган ҳукмдор Кобус ибн Вашмгир(1012 йили ўлдирилган)га бағишлайди. Кобус ибн Вашмгир ҳукмдорлар орасида илм-маърифатга берилган, адолатпарвар инсон бўлган. Берунийнинг ёзишича, у “халққа адолатли, тангрининг дини ва ҳақига ёрдамчи, мусулмонлар ҳарамларини қўриқловчи, улар мулкларини талон-тарожлардан асровчи йўлбошчи қилиб, баңдаларини ўзидан миннатдор этди”¹. Ушбу ҳукмдор шиа мазҳабининг тарафдори бўлган. Беруний унинг саройида яшаган даврларида ўзини шиа мазҳабига ён босгандай қилиб кўрсатади, аммо “Осори ал-боқия” асарида шиаларни танқидий баҳолаган. Беруний динда мўътадилликни ёқлаган ва барча мазҳабларга нисбатан бағрикенглик билан қараш тарафдори бўлган. 1005 йили Беруний ўз юртига – Хоразмга қайтади. 1010 йили Абул Аббос Маъмун II ибн Маъмун (?)

¹ Беруний А. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (Осори ал-боқия) // Танланган асарлар. 1-том. Т.:Фан, 1968. 72-6., 39-6.

—1017) Берунийни Хоразмнинг янги пойтахти Урганчга олиб келишига фармон беради. У Берунийни устоз сифатида ҳурмат қиласиди. Беруний ҳам “Хоразмнинг машҳур кинилари” деган асарида Абул Аббос Маъмун Інинг сифатларини тавсифлаб ўтган. Маъмун Інинг ўғли Маъмун II аббосийлар халифалигининг З-авлоди эди. У ўзининг бобоси Хорун ар-Рашид изидан бориб илм-фан тараққиётига ҳомийлик қиласиди, Хоразмда илмий академия ташкил қиласиди. Бу “Хоразм Маъмун академияси”да Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Наср ибн Ирок, табиб Абул Ҳасан Ҳаммор, машҳур тарихчи Ибн Мискавайх (ваф.1030), Ибн Сино ва Беруний сингари замонасининг таниқли олимлари тўпланган эди. Беруний Маъмун II саройида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган ва у ўз мавқеидан фойдаланиб, қимматбаҳо тошлар, камёб металлар устида кузатишлар олиб бориб, минералогия соҳасида катта китоб ёзади. “Китоб ал жамохир фи маърифат ал-жавохир” (“Қимматбаҳо тошларни билib олиш бўйича маълумотлар тўплами”) минералогияга оид йирик асар бўлган. Маъмун саройида Беруний 7 йил ишлайди. Замонасининг етук олимни Абу Али ибн Сино (980—

1037) билан илмий ҳамкорлик қилган, муно-
заалар олиб борган. Берунийнинг Ибн Сино
билан физик қонуниятларга оид ёзитмалари-
нинг бир қисми сақланиб қолган¹. 1017 йили
Хоразмга ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд Фаз-
навий ҳужум қиласди. Маҳмуддинг келиши-
дан хабардор бўлган Маъмун II сарой аъён-
лари ва олимларни тўплаб, уларга, агар хоҳ-
ласа Маҳмуд Фазнавий саройида хизмат
қилишни давом эттириши, хохламаса вакт бо-
рида Урганчдан кетиши лозимлигини уқтира-
ди. Кўпчилик амалдорлар ва баъзи олимлар,
улар орасида Ибн Сино ҳам, саройдан кетиши-
га қарор қиласдилар. Бу вазиятдан фойдалан-
ган мухолиф кучлар 1017 йили Маъмунга су-
иқасд уюштиришади. Маъмун ўлимидан сўнг
Беруний ҳам саройдаги бошқа олимлар қато-
ри Маҳмуд Фазнавийнинг асири сифатида
Фазна шахрига олиб кетилади. Бу Беруний
учун жуда таҳликали ахвол эди. Маҳмуд Фаз-
навий фармонига кўра, Беруний билан Абду-
самад Аввал қатл этилиши лозим эди, чунки
улар Маъмун Йининг садоқатли амалдорлари
қаторига киради. Маҳмуддинг вазири Ҳўжа

¹ Каранг: Беруний билан Ибн Синонинг савол-
жавоблари. Т.:Фан, 1973.

Ҳасаннинг орага тушилти туфайли Беруний омон қолади. 1017 йилдан то 1030 йилтacha Беруний Фазнавий қўл остида таҳтикали ҳаёт кечиради. Маҳмуд доимо ўзининг барча юришиларида, Ҳиндистонни забт этишида мунахжим сифатида Берунийни ўзи билан бирга олиб юрарди. У Берунийни бир неча бор ўлимга ҳукм қиласди, зинцонга ташлайди, хуллас, Беруний Маҳмуднинг қош-қовоғига караб яшашга мажбур эди. Маҳмуд саройида ҳам Беруний ўзининг илмий изланишларини тұхтатмаган, Фазнавийнинг Ҳиндистонга юриши даврида түплаган маътумотлари асосида йирик “Ҳиндистон” (“Ҳиндларниң ақыла сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниклаш”) номли асарини ёзган. Бу асар ҳозиргача ўзининг илмий-назарий қийматини йўқотмаган. 1030 йилти Маҳмуд вафот этгач, унинг васиятига кўра кичик ўғли Мұхаммад таҳтга ўтиради. Аммо бир неча ойдан кейин Маҳмуднинг катта ўғли Масъуд (1030–1040) укасини таҳтдан ағдариб, ҳокимиятни ундан тортиб олади. Масъуд даврида Берунийнинг аҳволи яхшиланади, чунки, Масъуд Берунийга хайрихох бўлиб, ундан кўп нарсаларни ўрганганди. Беруний Масъуднинг араб тилини ўрганишига ёрдамлашган, астрономия

асосларини эгалланишга күмаклашган. Масъуд эса Берунийнинг хурматини жойига қўйиб, унинг илм билан шуғулланишига яхши шартшароитлар яратиб, ҳар доим инъом ва ҳадялар билан тақдирлаб турган. Масъуддинг ҳомийлигидан миннатдор бўлган Беруний унга банишлаб “Масъуд қонуни” деган асар ёзган. Шу асарнинг сўзбошисида Масъуд хақида “у... илмга хизмат қилишим учун очиқ юз билан имконият берди, чунки у менга зийнат либосини кийгизиб иноят кўрсатдиг”, – деб ёзади Беруний. Бу асар астрономия ва математика илmlарига оид мукаммал қўлланма сифатида ўша даврдан илгарилари шу соҳаларга оид яратилган барча асарларнинг энг аълоси эди.

Шогирдлари

Берунийнинг шогирдлари хақида куйидаги маълумотлар бор. Аввало, Абул Аббос Маъмун II ибн Маъмун ўзини Берунийга яқин тутиб, ундан сабоқлар олган ва ўзини Берунийнинг шогирдиман деб хисоблаган. Айрим манбаларда Берунийнинг Масиҳий ва Абу Али Ҳасан исмли шогирдлари бўлганлиги хақида маълумот-

лар учрайди¹. Шунингдек, Қобус ибн Валимгири саройида ҳам Берунийдан сабоқ олган шогирдлари бўлган, аммо уларнинг номлари сақланиб қолмаган. Маҳмуд Фазнавий ҳам баъзан Берунийга устозим деб мурожаат қилган. Унинг катта ўғли Масъуд ҳам Берунийни энг улуг устозим деб билган ва унга ҳомийлик қилган. Беруний бу шогирдига бағишлаб “Ал-Конун ал-Масъудий” асарини ёзган. Беруний билан Ибн Сино бир-бирига устоз ва бир-бирига шогирд бўлишган. Уларнинг бир-бирига ёзган саволларидан 18 таси бизгача етиб кетган. Бу ёзишмаларда икки забардаст олимнинг бир-бирига бўлган эҳтиромининг накадар қучлилиги сезилиб туради.

Берунийнинг ёзган асарлари

1035–1036 йиллари Беруний ўзи ёзган асарлари рўйхатини тузган ва мазкур рўйхатда 113 та асарнинг номини келтиради. Бу асарлардан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 3 таси минералогияга, 4 таси картографияга онддир. Агар олимнинг шундан кейин яшаган 13 йил

¹ Каранг: Беруний ўрта асрнинг буюқ олими. Т.:Фан, 1950. 112-6.

ичида ёзган 50 дан зиёд асарларини ҳам қўша-
диган бўлсак, уларнинг умумий сони 160дан
ошади. Айрим манбаларда Беруний 200 дан
зиёд асар ёзганлиги ҳақидаги маълумотлар
ҳам учрайди. Беруний ёзган ҳар бир асар ўзига
хос энциклопедия эди. Масалан, унинг даст-
лабки асарларидан **“Қадимги халқлардан**
қолган ёдгорликлар” («Ал-осор ал-бокия
ан ал-қурун ал-холия») асари қадимги Хо-
размда ўтган халқларнинг, қадимги яхудий-
лар, насронийлар, мажусийлар ва мусулмон-
ларнинг урф-одатлари, анъаналари, байрам-
лари, тақвимлари, дини, пайғамбарлари, му-
қаддас китоблари ҳақидаги барча маълумот-
ларни ўзида тўплаган яхлит энциклопедия
бўлиб, у Европада “Хронология” номи билан
машҳурdir. Бу асарни олим 27 ёшида, яъни
1000 йили ёзиб тугаллаган. Асар араб тилида
ёзилган ва Қобус ибн Вағімғирга бағишлилан-
ган. Бу асарнинг биринчи нашрини немис оли-
ми, берунийшунос Эдуард Захау 1876–1887
йилларда Лейпцигда босиб чиқаради. 1879
йили унинг инглизча таржимасини нашрдан
чиқаради. 1950 йили шарқшунос олим А.Ра-
сулов асарнинг бир қисмини ўзбекчага тар-
жима қиласди, 1957 йили бу асар арабшунос

олим М.А.Салье томонидан рус тилига таржима қилинади ва нашр этилади. 1968 йили А.Расулов томонидан бу асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси “Фан” нашриётида босилиб чиқади. Берунийнинг **“Китоб улмақолот вал-арз вад-диёнот”** (“Мақолалар, эътиқодлар ва динлар ҳақида китоб”), **“Китоб фи ахбори Хоразм”** (“Хоразм хабарлари ҳақида китоб”), **“Китоб тарихи айём ас-султон Маҳмуд ва ахбори абиҳи”** (“Султон Маҳмуд даври тарихининг китоби ва отаси ҳақидаги хабарлар”) каби китоблари ҳали топилмади. Уларни жаҳон кутубхоналари ва шахсий китоб хазиналаридан ахтаришни давом эттириш лозим. Беруний Журжон хукмдори Вашмгир саройида яшаб юрган даврида қимматбаҳо тошлар ва минераллар ҳақида **“Минералогия”** асарини (“Китоб ал жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” — “Қимматбаҳо тошларни билб олиш бўйича маълумотлар тўплами”) ёзган. Бу асар ҳозирга қадар ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаган. Бу асарда муаллиф 300 дан зиёд минераллар ва уларнинг физик (қаттиқлиги, солиштирма оғирлиги, ранги, қирраларининг тузилиши ва бошқалар), хи-

миявий (таркибіда қандай мөдделар борлығы, сув ва оловга чидамлилігі) хусусиятларини түшунтириб берган. Берунийнинг “Минералология” асарини 1963 йили СССР Фанлар академияси нашриётида москвалик шарқшұнос А.М. Беленицкий рус тилида нашрдан чиқарди. Китоб шундай номланады: *Беленицкий А.М. Очерк жизни и трудов Бируни, «Собрание введений для познания драгоценностей (минералогия)», М., Изд-во АН СССР, 1963.* 1025 йил 18 наурызда Беруний **“Геодезия”** (“Таҳдид ниҳоёт ил-амокин ли тасқых масофот ал-масокин” — “Туар жойлар (орасидаги, масофаларни аниклаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш”) асарини ёзіб тугатған. Геодезияда математик география асослари муфассал баён қилинади. Бу асар 1966 йили Тошкентда Истанбул нашрдан рус тилига таржима қилиб нашр қилинди. **“Мұнажжимлик санъатидан бошланғыч түшүнчалар”** асари 1029 йили Фазнада ёзилған бўлиб, унда астрологияга оид асосий түшүнчалар содда қилиб изоҳлаб берилған. Уни Европача қилиб, “Астрология” деб атасак бўлади. Бу асарни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беру-

ний номидаги шарқшунослик институти олимлари ва Москва шарқшунослари А.Аҳмедов, Б.А.Розенфельд, М.М.Рожанская, А.Абдурахмонов ва Н.Д.Сергеевалар ҳамкорликда рус тилига таржима қилиниб, “Книга вразумения начаткам науки о звездах” деган ном билан 1975 йили “Фан” наприётида нашр этишиди. У даврда астрология тушунчасини қўлташ китобнинг нашр этилишига халақит берар эди. Шу сабабли китоб номи ғалатироқ бўлиб колган. **“Ҳиндистон”** (“Таҳқиқ молил ҳинд мин маъқула мақбула фи-л-ақл ав марзула” / “Ҳиндтарнинг ақлга сифадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш” /) деб номланган асари 1030 йили ёзиб тугатилган. Бу китобда Ҳиндистон халқлари тарихининг турли соҳалари (аинқ фанлар, адабиёт, фалсафа, элшунослик (этнография), география, демография, конунлари ва урф-одатлари, дини, диний ривоятлари, хинд ёзувининг турлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, Беруний бу асарида санскрит тилидаги манбалардан ҳам кеңг фойдаланган. Бу тил бизгача етиб келмаган. Беруний эса бундан минг йил илгари бу тилни маҳсус ўрганганд. Китобнинг арабча матни 1887

йили, инглизча таржимаси эса 1888 йили Лондонда Э.Захау томонидан нашр этилади. Арабча матн 1858 йили Ҳайдарободда ҳам нашрдан чиқарилган. Бу китоб 1963 йили рус тилида, 1965 йили эса ўзбек тилида нашрдан чиқарилган. **“Масъуд қонуни”** (“Ал-Конун ал-Масъудий”) номли асарни 1030 йилдан кейин Фазна султони Масъудга бағишилаб ёзади. Унда математик астрономиянинг асосий қоидалари, ёритқичларнинг координаталари, уларнинг ҳаракатланиш тартибларини ҳисоблаб чиқариш йўллари батафсил тушунтирилган. Бу китобда баён этилган таълимотларнинг аксариятини Беруний “Қуръон” оятлари билан солиштирган. Бу унинг “Қуръон”ни яхши билганлигидан далилат беради. Шунингдек, мазкур китобда Беруний тузган юлдузлар жадвали – Беруний зижи ҳам илова қилинган бўлиб, мазкур жадвалда 1029 та юлдузнинг координаталари ва юлдуз катталиклари Птоломей ва араб астрономи ас-Суфи жадвалларига асосланиб берилган. Бу асар биринчи бор бир қанча араб қўлёзмалари асосида Ҳайдарободда нашр килинади. Рус тилида Москвада 1962 йили босиб чиқарилган. Ўзбекистонда эса 1973 йили

рус ва ўзбек тилларида 2 китобдан иборат қилиб “Фан” нашриётида босилди. Беруний “Хиндистон” асарида Ернинг ҳаракатланиши ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, бу асарни ёзишидан илгари Ернинг ҳаракатланиши тўғрисида “Мифтоҳу илми-л-ҳайъа” (“Астрономия қалити”) деган асарида чуқурроқ тўхтатланлигини баён этган. Лекин бу асар бизгача етиб келмаган. Беруний умрининг охирида, яъни 1045—1048 йилларда **“Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”** (“Китаб ас-сайдана фи-т-тибб”) асарини ёзган. Бу асар тарихга “Сайдана” (“Фармакогно-зия”) номи билан кирган бўлиб, унинг тўлиқ қўлёзмаси XX асрнинг 20—30-йилларида Туркияда топилган. Бу асарда Шарқда, хусусан Туркистонда ўсадиган барча доривор ўсимликлар ва уларнинг фармакологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу асарни таниқли шарқшунос олим У.И.Каримов рус тилига таржима қилиб, 1974 йили “Фан” нашриётида босмадан чиқарган. Берунийнинг ўзи “Хиндистон” асарида ёзишича, унинг “Астрономия қалити” номли рисоласи бўлган ва мазкур рисолада Ер шари ҳаракатланишининг хусусиятларини батафсил тушунти-

риб берган. Бундан тапқари, Берунийнинг адабиётишуносликка, динлар тарихига, қалом таълимотига, ҳадисларга оид мақолалари, бадиий йўналишдаги асарлари – ҳикоялари, ривоятлари ва шеърлари ҳам бўлган. Уларни ҳам қидириб топиш, тўплаш, нашр этиш манбапунослар, тарихчилар, шарқпунослар каршисида турган хайрли ва табаррук вазифалардан биридир.

Фанга қўшган ҳиссаси

Хозирги замон фанларининг барчасида Берунийнинг илмий қашфиётларидан у ёки бу тарзда фойдаланишади. Беруний ўз қашфиётлари билан ҳисса қўшмаган фан соҳаси бўлмаса керак.

1. У биринчи бўлиб Ер шари глобусини яратган ва бу ихтиродан барча географ олимлар бугунги кунда баҳраманд бўлишмокда.

2. Беруний астрономия соҳасига катта ҳисса қўшган. У гарчи оламнинг тузилишига Птоломейнинг геоцентрик (яъни, оламнинг марказида Ер шари туради, деб ҳисоблайдиган) системасидан туриб ёндашса ҳам, бу масалага оригинал тарзда, яъни Ер шарини харакатланувчи система деб ёндашади. Бундай қарааш ўша даврларда Ерни ҳаракатсиз

деб ҳисобловчи ҳукмрон қарашларга зид келувчи илмий жасорат эди. Беруний “Хиндистон” асарида шундай деб ёзади: “Ернинг айланиш ҳаракати астрономия фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмайди, балки Ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текис давом этаверади”. Бу ғояда инерциал системалар ҳақидаги фикр мужассамлашгандир. Бундай фикрга Галилео Галилей (1564 – 1642) Берунийдан 600 йил кейин келган.

З. Беруний “Истаган хил астролябияни тайёрлашнинг турли усуллари ҳақида” деб номланган асарида Абу Саъид ас-Сижзийнинг астролябияси хусусида тұхталиб, “Унинг негизи осмон ҳаракатланишига әмас, балки Ернинг ҳаракатланишига асосланғанлығи учун мен уни жуда ҳам ажойиб каш-фиёт деб ҳисблайман”, – деб ёзади. Беруний үзининг геоцентризмга бұлған шубхаларини “Геодезия” асарида ҳам очық баён этган. Берунийнинг бу йұналишдаги фикрлари гелиоцентризмнинг вужудға келишига йўл очди ва поляқ астрономи Николай Коперник (1473–1543) Берунийдан 500 йил кейин оламнинг гелиоцентрик системасини ўртага ташлади.

4. Беруний турли хил астрономик кузатиш асбобларини ҳам ясаган. Улардаги кузатиш принциплари бугунги кунгача ўз қийматини йўқотмаган.

5. Беруний осмон ёритқичларининг ҳаракатланиш траекториялари доира шаклида эмас, балки эллипс шаклида эканлиги хақидаги ғояни биринчи бўлиб илгари сурган ва уни ҳисоблаш усусларини кашф этган. Бу усуслар Европада янги даврга келиб И.Кеплер томонидан ниҳоясига етказилди.

6. Беруний Журжонда яшаган пайтларида Қуёшни кузатишга ҳам жиддий эътибор қаратади, астрономияда биринчи бўлиб Қуёш тожининг хусусиятларини тўғри талқин қилиб берди ва Қуёшни кузатишга жуда берилиб кетганлигидан бир қанча вақт кўзлари ёруғликни сезмай қолганлигини ўз хотираларида ёзиб қолдирган.

7. Беруний ёритқичлардан келаётган нурлар нафақат ёруғлик тўлқини, балки заррачалардан иборат эканлиги хақидаги ғояни илгари сурди. Ёруғлик бир вақтнинг ўзида ҳам тўлқин, ҳам заррача табиатига эгадир, деган ғоя XX асрдагина ўз исботини топди.

8. Беруний математика фанига жуда катта ҳисса қўшган олимлардан. У биринчи бўлиб тригонометрияни алоҳида мустақил фан сифатида таҳлил этди.

9. “Масъуд қонуни” асарида ясси ва сферик тригонометрияни баён қилиб, тригонометрик функцияларнинг чизиқли ва квадрат интерполитив коидасини яратди.

10. Беруний география, геодезия, геология фанларига ҳам сезиларли ҳисса қўшган. “Геодезия” ва “Минералогия” номли асарлари бевосита юқорида айтилган фанларга онддир.

11. Беруний “Хиндистон” асарида Ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқликнинг нисбати тўғрисида тўхталиб, шундай ёзган: “Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Мухит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу Мухит океани, Ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан икки ёқдан (ғарб ва шарқдан) ажратиб туради...”, деб ёзган. Бу фикрни “Масъуд қонуни”да ҳам таъкидлайди. Хуллас, Беруний математик ҳисоб-

китоб асосида Колумбдан қарийб 450 йил илгари хозирги Америка қитъаси бўлиши мумкинлигини башпорат қилган.

12. Беруний Атлантика ва Тинч океанларининг жанубий қисми бир-бири билан туташганлигини исботлаган, Ер шарининг жанубий томонида муз қоплаган қуруқлик бўлиши керак, деб фараз қилган.

13. Беруний географик кенгликини хисоблашда қўллаган усул XVI асрда Тихо де-Браге томонидан кашф этилган деб келинади, ваҳоланки, бу усулни Беруний ундан 6 аср илгари ишлатган.

14. Жинсларнинг геологик келиб чиқиши, қуруқликнинг денгизларга, денгизларнинг қуруқликка айланиш назарияларини Беруний ишлаб чиқсан.

15. Жисмларнинг Ер марказига қараб тортилиш кучи ҳақидаги фояни биринчи бўлиб Беруний илгари сурган.

16. Беруний минералология ва иқлим-шунослик фанларига ҳам жиддий ҳисса қўшган. Минералларнинг таркибий тузилиши, кристалланиш ҳодисаси, ёруғлик нури таъсирида кристалларнинг товланиши табиати ҳақидаги фояларни ҳам Беруний ишлаб чиқсан.

17. Беруний планеталарнинг кўплиги ва хилма-хиллиги ҳакидағи фалсафий ғояни илгари сурган. Бу ғоя 600 йилдан сўнг Жордано Бруно(1548–1600) томонидан айтилди ва у шу ғоя туфайли инквизициянинг гулханида ёндирилди.

18. Беруний ижтимоий ҳодисалар, жамият тараққиётида ижтимоий мухитнинг ўрни, одамлар табиатига, кўринишлага географик иқлимининг таъсири, меҳнат куролларининг жамият тараққиётидаги ўрни, кишиларнинг моддий эҳтиёжлари, мулк ва мерос масалаларини биринчи бор социологик таҳлил қилган.

Беруний мероси ва мустақиллик

Абу Раіхон Беруний мероси мустақилликдан ишлари ҳам ўрганилган. Аммо у даврда асосан Берунийнинг табиий-илмий мероси материалистик дунёқараш нуқтаи назаридан ўрганилган эди. Мустақиллик давридагина Беруний меросига кенг қамровли ёндашувга йўл очилди. Унинг “Куръони карим” ва “Ҳадиси шариф”га муносабати, диний мазҳаблар тадқики бутунги қунда олим ва уламоларимиз томонидан кенг тадқик

этилмоқда. Берунийнинг номаълум асарларини излаб топиш давом эттирилмоқда. Беруний раҳбарлик қилган Хоразмдаги “Маъмун академияси”нинг минг йиллиги халқаро миқёсда нишонланди ва бу тадбирларда олимнинг хизмати юқори даражада қайд этилди. Берунийнинг жаҳон фани тараккиётига қўшган ҳиссасини таъкидловчи асарлар ёзилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Берунийнинг Фазнадаги қабрини Ўзбекистон Республикасидан юборилган маҳсус экспедиция аъзолари зиёрат қилишди ва таъмирлаш ишларини олиб боришли. Келажакда Афғонистон ҳукумати билан Ўзбекистон ҳукумати келишган ҳолда Абу Райҳон Берунийга маҳсус мақбара куриш ва Алишер Навоий мақбарасини қайта куриш, у жойларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Мустакиллик даврида Беруний асарларининг оммага маълум бўлмаган қирраларини кўрсатувчи оммабоп нашрларни чиқариш йўлга қўйилди. Кўлингиздаги китобчанинг яратилиши ҳам мазкур йўналишдаги ишлар жумласига киради.

Абу Райхон Беруний

Беруний ҳаётидан ибратли воқеалар

Беруний ёшлигидан синчков, масалага рационал ёндашувчи киши бўлган. Ҳукмдорларга ҳам, уларнинг қўнгли учун слеон гапирмаган. Махмуд Фазнавийни кўп ножоиз ишлардан қатъият билан қайтарган. Беруний ростгўйлиги туфайли кўпинча ҳоким ва амалдорларнинг ғазабига учраб ноҳақ жазоланган. Махмуд Фазнавий бир неча марта Берунийни ўлимга ҳукм қилган. Шунга оид бир ибратли ҳодисани берунишшунос олимлар ёзиб қолдиришган.

Кунлардан бирида Махмуд Берунийни синамоқчи бўлиб, унга савол берибди:

— Эй мунажжим! Айтгин-чи, Қуръони каримда башоратчилик қораланганд, лекин, айрим мунажжимлар Күёш ва Ой тутилишини олдиндан башорат қиласман деб даъво килишади. Сен ҳам шу фикрдамисан?

— Мен масалага мантиқан ёндашиш тарафдориман. Шундай ходисалар борки, уларнинг ҳаракатланишини ўлчаб, агар унга ташқи куч халақит бермаса, фалон нарса,

фалон вақтда, фалон жойда бўлади, деб башорат қилиш мумкин. Шундай ҳодисалар борки, уларнинг холати биз биладиган таъсирлардан яширинган бўлади, уларнинг сабабини билмаганимиз учун башорат қилиб бўлмайди. Қуръони каримда ана шундай ҳодисаларни назарда тутиб сохта башоратчилик, фолбинилек қораланганди. Ёлғончилардан бизни худонинг ўзи асрасин. Осмон ёритқичларининг ҳаракатланиши бир текисда ўзгаришсиз боради ва муайян қонуниятларга бўйсунади. Шу сабабли уларни олдиндан айтиб бериш мумкин. Фалакиёт илмига таяниб, Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан башорат қилиш мумкин.

Маҳмуд бу фикрни эшитгач, ғазаби қайнайди ва атайлаб Берунийни мулзам қилиш ниятида яна савол беради:

— Эй “башоратчи”, сен ҳозир мен шу бинонинг қайси эшигидан чиқишимни ўз илмингга таяниб топгин-чи?

Маҳмуд шу пайт 12 та эшиги бор айлана шаклидаги бинода мажлис қураётган эди. Беруний Маҳмуднинг важоҳатини яхши англаб етди ва бир қофозга бир қанча сўзни ёзиб, уни Маҳмудга узатди. Маҳмуд

Абу Райхон Беруний

қоғозни ўзи ўтирган ўриндиқ тагига бекитиб қўйди. Махмуд шунда Берунийга истеҳзоли қараб, хизматкорига буюрди:

— Зудлик билан бу ерга дурадгорни чақириб кел, менинг рӯпарамдаги девордан 13-эшикни очсин! — деди. Дурадгор келиб 13-эшикни ўрнатди. Махмуд шу эшикдан чиқиб кетди. Бироз вақтдан сўнг, ҳаммалари шу жойга яна тўплангач, Махмуд Беруний ёзган қоғозни бекитилган жойдан олди. Мажлисда гувоҳ бўлганлардан бири қоғозни ўқиди. Қоғозга шундай сўзлар битилган эди: “Ҳукмдор! Сиз бу бинодаги 12 та эшикниң бирортасидан чикмайсиз. Рӯпарангиздан 13-эшикни очтириб, ўша эшикдан ташқарига чиқасиз”. Мажлис аҳли бу холатдан ниҳоятда ҳайратга тушишди. Махмуднинг эса ғазабдан юзлари қизариб кетди ва амр қилди:

— Бу шаккок олимни зинданга ташланглар!

Ҳукм ижро этилди.

* * *

Беруний умр бўйи илм-маърифат эгаллаш йўлида тинимсиз меҳнат қилган. Ҳатто умрининг сўнгги дакиқаларида ҳам илмга

интилиши туйфуси унда сўнмаган. Ёқут Ҳамавий Берунийнинг яқин кишиларидан бири бўлган қози Валволижий тилидан қўйидаги воқеани келтиради:

“Мен Абу Райҳон ҳузурига у оғир нафас олаётган, хириллаб жон бераётган вақтда кирдим. У менга «Меросларни нотўғри бўлиш хақида айтганларингни такрорлаб бер», — деди. Мен унга раҳм қилиб: «Шундай ахволда-я!», — дедим. У эса: «Эй фалончи, мен учун бу масалани билиб дунёдан ўтиб кетиш, уни билмай ўтиб кетишдан афзалроқ эмасми?», — деди. Мен бу масалаларни такрорлаб беришга мажбур бўлдим. У буни ёдда саклади. Кейин менга бу хақда ўйлаганларини айтиб берди, шундан сўнг мен чиқиб кетдим. Кўчага чиқишим билан унинг уйидан йифи овози эшитилди”¹.

* * *

Беруний адолатли ва муруватли бўлишни ёқлаган. Бу борада олимнинг ўзи шундай ҳикояни келтиради: Халифа Умар ибн Абдулазизнинг ўғли Абдуллоҳ минг

¹ Ирипод ал-араф, 6. 309-6.

дирҳамга бир қимматбаҳо тошни сотиб олганини эшитиб қолиб, ўғлига хат ёзибди: менга етиб келган хабарларга қараганда, бир узук олибсан. Сенга насиҳатим шу, дархол ўшани сотиб, унинг қийматига мингта очнинг қорнини түйғаз. Ўзингга бўлса, кумушдан узук қилдир, унинг кўзи ҳам ўзидан бўлсин”.

Абдуллоҳ отаси айтгандай қилибди.

* * *

Шиа эътиқодига тарғиб қилувчи бир киши Берунийдан илтимос қилиб, менга фойда келтирадиган бирор нарсани ўргатиб қўйинг, дебди.

Беруний унга ал-Киндийнинг “Ишоратлар китоби”дан ўткир нарсалардан тайёрланадиган бир дори таркибини ёзиб берибди. Бу дори сувга томизилиб, ҳосил бўлган сувга қаламни ботириб, ақиқ тошга чизилса, тошдаги ёзув оқ бўлиб кўринаркан. Буни ўрганиб олган шиа “Мухаммад”, “Али” ва бошқа исмларни “ажи-бужи” қилиб ёзиб, “Бу фалон жойдан топилган табиий ёзув”, деб даъво қиладиган ва содда шиаларнинг пулини шиладиган бўлибди. Беруний эса ўзининг бу дарсидан пушаймон бўлиб, бошқа

бундай одамларга кимё илмининг сирларини ошкор қилмайдиган бўлибди ва “Илмни нафси учун ишилатадиганларга ўргатиш – унинг жиноятига шерик бўлишидир”, – деб Оллоҳга тавба қилган экан.

* * *

Беруний ҳикоя қиласи: Бир киши иттифоко, ўзи танимаган бир гурӯҳ билан ҳамроҳ бўлган. Улар қароқчилар бўлиб, бир қишлоқни босиб хароб қилиб қайтаётган эканлар. У киши ўғрилар билан бирга озгина юрганидаёқ, уларнинг кетидан қидирувчилар етиб келиб, бутун гурӯҳ қўлга олинган, шулар ичида ҳалиги бегуноҳ ҳам қўлга тушган. Бу киши ўғриларга шерик бўлмаса ҳам, улар билан бирга бўлгани учун уларга етишган қийинчилик унинг бошига ҳам тушган.

Абу Райхон Беруний

Беруний ҳақида бошқалар

* * *

“Беруний... қизиққан соҳаларни санаб чиқишидан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб чиқиш осонроқ”.

Академик Ю.Крачковский

* * *

“Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўрганди. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материални қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан ахллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўлатуриб, бу ўлка кишилари ахволини тушунтиришга ҳаракат қиласди”.

Жавоҳарлаъл Неру¹

¹ Неру Дж. Открытие Индии. М., 1955. С.246 – 247.

Abu Rayhon Beruniy

* * *

Берунийни геология фанининг асосчиларидан ва назариётчиларидан энг буюгидир дейиш мумкин.

Академик Ҳабиб Абдуллаев

* * *

Беруний XI асрнинг Леонардо да Винчисидир.

Аурел Стейн

* * *

Дунё фани тарихида XI асрнинг биринчи ярми Беруний давридир.

Ж. Сартон

* * *

Берунийни Леонардо да Винчи билан таққослаб, уни XI аср Леонардо да Винчи дейишди. Бу нотўғри қиёслаш. Ахир Птоломейни “II аср Берунийси” дейишмайди-ку. Аслида Леонардо да Винчини “XV аср Берунийси” десак мантиқли бўлар эди.

С. Толстов

Абу Райҳон Беруний

* * *

Берунийнинг бир ўзи бутун бошли илмий тадқиқот институтлари ҳам бажара олмайдиган ишларни удалаган.

Европа берунийшунослари

Беруний меросидан намуналар

Абу Райҳон Беруний шундай деб ёзади:
“Менинг ҳамма истакларим, бутун вужудим илм тарқатишга қаратилгандир ва мен буни ўзим учун энг улуғ баҳт деб биламан”.

“Хиндистан”

* * *

Пешволардан олға ўтдим шаҳд ила,
Мен ғаввосу илм бўлди уммоним;
Ҳинддан сўра машриқ аро қадримни,
Мағриб мени ўқир, йўқдир армоним.

“Ҳикматлар”

* * *

Одамлар ўрганган, одатланган ва
кўпчиликка маъқул бўлган нарсага (кўр-
кўрон) қаршилик кўрсатма.

* * *

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин,
алдамчи эхтирослар, фам-ғусса бўлмайди.

* * *

Кўз билан кўрган эшитгандан афзалдир.

* * *

Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни
йўқقا чиқаради.

* * *

Билимсиз кишиларнинг кўнгли
хурофотга мойил бўлади.

* * *

Хар бир инсоннинг қадр-қиймати ўз
ишини қойил қилиб бажаришида.

* * *

Баъзи бир лафз(сўз)лар борки, у(ни
қўллаш) бир дин (халқ) ва бир тилда

Абу Райхон Беруний

бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва бошқа
бир тилда bemayaни бўлмайди.

* * *

Деҳқонлар полиздаги қовун, тарвуз,
пахта ва ҳоказолар ишларини яхши
биладилар. Ҳатто улар ойга қараб уруғлар
сочиш, экиш, кўчатлар ўтқазиш, пайванд
қилиш ва чанглатиш, хайвонларни урчиши
ва бошқа вақтларни аниқлайдилар.
Астрономларга Ой (фаза)лари ва
харакатлари осмоний, (атмосферик)
ходисаларнинг олдиндан бўладиган таъсири
маълум.

* * *

Ернинг айланиш ҳаракати назарияси
астрономия фанига хеч бир зарар
келтирмайди, балки, ерда юз берадиган
ходисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир
текисда давом этаверади.

* * *

Табиатшунос инсон ўзининг энг юқори
даражадаги камолига эришиш учун ўзидаги

паст бўлмиш – ҳайвоний сифатларига янги сифатларнинг қўшилиши натижасида эришиди, дейишади. Бу билан улар одамни бир турдан иккинчи турга ўтиб, инсонлик даражасига олиб келган ва унинг асли табиатига ишора қилмоқчи бўладилар. Лекин улар одамни итдан отга, кейин маймунга, нихоят ҳайвондан инсон даражасига етгунча ундан устун келиб етилганига ишора қилмоқчи эмаслар.

* * *

Севимли нарсаларга машаққат билан ва яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни (бировга) сарф қилиш билан эришилади.

* * *

Муруватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

Абу Райхон Беруний

Адабиётлар:

1. Берунийнинг нашр этилган асарлари:

1. Беруний. Памятники минувших поколений. Т.:Фан, 1957.
2. Беруний. Индия.(Пер. А.Б.Хамирова, Ю.Н.Заводовского). Т.:Фан, 1963.
3. Беруний. Хиндистан.(Тарж.А.Расулов, Ф.Жалолов, Ю.Хакимжонов). Т.: Фан, 1965.
4. Беруний. Геодезия. (Пер. П.Г.Булгакова). Т.:Фан, 1966.
5. Беруний. Кадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар. Т.:Фан, 1968.
6. Беруний. Канон Масъуда. 1-ч. (Пер.П.Г.Булгакова, Б.А.Розенфельда). Т.:Фан, 1973.
7. Беруний. Конуни Масъудий. 1-қисм.(Тарж. А.Расулов). Т.:Фан, 1973.
8. Беруний. Ҳикматлар. (Түпл. А.Ирисов). Т., 1973.
9. Беруний. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-сайдана фи-т-тибб). (Пер. У.И.Каримова). Т.:Фан, 1974.
10. Беруний. Книга вразумения начаткам науки о звездах. (Пер.Б.А.Розенфельда, А.Аҳмедова, М.М.Рожанской, Ю.Н.Смирнова). Т.:Фан, 1976.
11. Беруний. Геодезия. Тураг жойлар ораси-

даги) масофаларни аниклаш учун манзилларнинг чегараларини беътилаш. (Тарж. А.Аҳмедов). Т.: Фан, 1982.

12. Беруний. Математические и астрономические трактаты (Пер. П.Г.Булгакова, Б.А.Розенфельда). Т., 1987.

13. Беруний. Тарвиҳалар: «Жавоҳирот» китобидан (арабчадан М.Турсунов тарж.). Т., 1991.

14. Беруний. Феруза (Жавоҳирлар ҳақида нақл ва ҳикоятлар). Т., 1993.

15. Беруний. 100 ҳикмат: Ибратли сўзлар. (тарж. А.Ирисов). Т., 1993.

2. Беруний ҳақидаги адабиётлар:

1. Семёнов А.А. Ал-Беруни – великий ученый средневекового Востока и Запада. // Литература и искусство Узбекистана. Кн.1. Т., 1938.

2. Беруний ўрта асрнинг буюк олими (мақолалар тўплами). Т., 1950.

3. Садыков Х.У. Бируни и его работы по астрономии и математической географии. М., 1953.

4. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избр. соч., т.4, М., 1957.

5. Мўминов Н.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан (XIX аср охирлари ва XX аср бошлари). Т., 1960.

Абу Райхон Беруний

6. Салье М.А. Абу Райҳон Беруний. Т., 1960.
7. Матвиевская Г.П. Беруний ва табиий фанлар. Т., 1963.
8. Ирисов А. Беруний ва Хиндистон. Т., 1963.
9. Розенфельд Б.А., Краснова С.А., Рожанская М.М. О математических работах Абу Райхана Беруни. // Из истории науки и техники в странах Востока. Вып.3. М., 1963.
10. Толстов С.П. Қадимги Ҳоразм маданиятини излаб. Т., 1964.
11. Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. М., 1966.
12. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Т.:Фан, 1972.
13. Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. Т.:1972.
14. Кедров Б.М., Розенфельд Б.А. Абу Райхан Беруни (К 1000 летию со дня рождения). М., 1973.
15. Розенфельд Б.А., Рожанская М.М., Соколовская З.К. Абу-р-Райхан ал-Бируни. М.: Наука, 1973.
16. Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари. (Масъул муҳаррир С.Муталипов). 2-нашр.Т., 1973.
17. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино. – Т., 1987.

Abu Rayhon Beruniy

18. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. (Под ред. П.К.Хабибуллаева и А.Ф.Файзуллаева) Т.:Фан, 2000.

19. Фалсафа. Қомусий лугат. Т.:Шарқ, 2004.

20. Тұраев Қ. Оlam ёғдуси ёхуд қизиқарлы физика. Т., 2009.

Абӯ Райҳон Беруний

*Bizning tariximizda jahonga dong
taratgan ulug' mutafakkirlar o'tgan ekan,
ularning qoldirgan ilmiy-ma'naviy merosi,
ibratli hayoti, ta'limoti bugungi muammolarni
yechishda bizga qo'l kelayotgan ekan, bu
merosni o'r ganmaslikka, ta'riflamaslikka,
targ'ib etmaslikka haqimiz yo'q.*

Islom KARIMOV

Abu Rayhon Beruniy

“MUTAFAKKIRLAR”
ilmiy-ommabop risolalar turkumi

ABU RAYHON BERUNIY

ABU RAYHON BERUNIY (973–1048)

Ismi-sharifi

Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad Beruniy (973–1048). Bu ismning “Abu Rayhon” qismi Rayhonning otasi ekanligini¹, “Muhammad” mutafakkirning o‘z ismi, “ibn Ahmad” Ahmadning o‘g‘li ekanligini anglatadi. Beruniy nisbasi esa uning taxallusi.

U zot kim edi?

Abu Rayhon Beruniy o‘rta asrning buyuk qomusiy olimi – ensiklopedisti. U bir vaqtning o‘zida astronom, astrolog, matematik, geolog, geograf, o‘lkashunos, biolog, medik, o‘simlikshunos, ma’danshunos, tarixchi,

¹ Beruniyning to‘liq ismi-sharifi arabchada “Abu ar-Rayhon Muhammad ibn Ahmad al-Beruniy” deb yoziladi. Bu nisbadagi Abu Rayhon arabcha “Rayhonning otasi” yoki “rayhonli kishi” degan ma’noni beradi. Balki Beruniyming yoshligida o‘simliklarga, botanikaga jiddiy qiziqqanligidan shu nisba, “rayhonli kishi” nisbasi berilgan bo‘lsa ajab emas.

manbashunos, dinshunos, adabiyotshunos, faylasuf, sotsiolog, mantiqshunos, ilohiyotchi, olim va shoir bo'lgan. U haqda uning o'z davrida shug'ullanmagan sohasini sanashdan ko'ra shug'ullanmagan sohasini sanash osonroq edi, deyish mumkin. Beruniy astronomiyaga, astrolyabiyyaga (osmon jismlarini kuzatuvchi asbob), geodeziyaga, mineralogiyaga, farmakognoziyaga, geografiyaga, astrologiyaga, toponomikaga, dinshunoslikka, tarixga oid maxsus asarlar yozgan.

Qachon va qayerda tug'ilgan?

Beruniy 973-yil 9-sentabrda (hijriy 362-yil zulhijja oyining 3-kunida) Xorazmning qadimiy poytaxti hisoblangan Kot (Kat) shahrida tug'ilgan. Ayrim manbalarda Beruniy Kot shahrining tashqarisida tug'ilgan, shu sababli u "Beruniy", ya'ni, "tashqarilik" degan taxallus bilan atalgan deyishadi. Abdulkarim as-Sam'oniy (vaf.1165) "Nasablar kitobi" nomli asarida shunday deb yozadi: "Beruniy degan nisba Xorazmning (ya'ni, uning poytaxti Kot shahrining) tashqari qismiga oiddir. Kimki shahardan tashqarida tug'ilgan bo'lsa, bunday odamni "falonchi beruniy" deydilar. Munajjim

Abu Rayhon shunday nisba bilan mash-hurdir"¹. Kot shahri X asrda xorazmshohlar – afrig'iylar sulolasining poytaxti, O'rta Osiyoning eng yirik savdo markazlaridan biri edi. Bu davrda Xorazm bilan Xitoy, Hindiston, Yaqin Sharq davlatlari, Eron, Kavkaz va Yevropa davlatlari o'rtasida iqtisodiy va madaniy aloqalar ancha rivojlangan edi. Xorazmliklar asosan mo'yna, qoramol, baliq va hunarmandchilik buyumlari bilan savdo qilishgan. Xitoydan chinni va ipak buyumlar, Hindistondan ziravorlar xarid qilishgan. Yevropalik, rum va suriyalik savdogarlar turli-tuman hunarmandchilik, zargarlik buyumlarini keltirishgan. Xorazmda hunarmandchilikning kulolchilik, shishasozlik, zargarlik, to'quvchilik, kandakorlik va yog'och o'ymakorligi turlari rivojlangan. Qadimdan Xorazmda matematika, astronomiya, geodeziya, matematik geografiya fanlari taraqqiy etib kelgan. Bu ilmlarga qiziqqan kishilar dunyoning uzoq-uzoq burchaklaridan Xorazmga kelishgan. Kot shahrida xitoylik, suriyalik, rumlik, yunonistonlik va hatto

¹ The Kitab al-Ansab of Abd al-Karim ibn Muhammad al-Sam'ani reproduced in Faksimile, Leyden-London, 1912 y. 98 p.

andalusiyalik (ispaniyalik) kishilarni ham uchratish mumkin edi, deb yozishadi tarixchilar. Ular nafaqat ilm o'rganish uchun, balki o'z ilmlarini yoyish uchun ham kelishardi. Bu holat Xorazmda ilm egallahsga keng sharoit yaratilganidan dalolat beradi. Beruniy ana shunday muhitda aqlini tanidi va yoshligidan ilmga mehr qo'ydi. Beruniy o'zining yoshligi haqida xotirlab: "Men bir Yunonistondan kelib qolgan olimdan turli xil o'simliklarning yunonchada qanday atalishini so'rab, bir daftarchamga batafsil yozib borar edim va ularni yodlab olardim", – deb yozadi. Kot shahri bir necha bor istilochilar tomonidan qayta-qayta vayron qilingan va har safar yangitdan tiklanganda boshqa nomlar bilan atala boshlagan. Yaqin tarixda bu shahar 1957-yilgacha Shabboz (Shayx Abbos Vali) deb atab kelingan va 1957-yili Beruniy nomi berildi. Beruniy shahri hozir Qoraqalpog'iston Respublikasi hududida joylashgan.

Qanday oilada voyaga yetgan?

Beruniyning oila a'zolari, ota-bobolari va nasl-nasabi haqida ma'lumotlar saqlanmagan. Beruniyning o'zining yozishicha, uning onasi

o'tin terish bilan tirikchilik qilgan. Bu ma'lumot Beruniyning muhtojlikda kun kechiruvchi oilada voyaga yetganligidan dalolat beradi.

Qanday davrda va muhitda yashagan?

X asrning ikkinchi yarmi va XI asr Xorazmda ilm-ma'rifat nihoyatda rivojlangan bir davr edi. Bir tomondan Xorazmda Avesto g'oyalari va zardushtiylik dini bilan bog'liq qadimiy ilmlar ravnaq topgan bo'lsa, ikkinchi tomondan Qadimgi Yunonistondan kelgan falsafiy ta'limotlar, Erondan kelgan majusiylik, kohinlik an'analari, isaviylik, musaviylik, Kushonlar davrida tarqalgan buddaviylik va nihoyat islom dini va madaniyati xalqning ma'naviy dunyosiga ta'sir qilgan davr edi. Beruniy yashagan davrlarda arab olimlarining ta'limotlari, Qur'on va hadislarga asoslangan g'oyalalar keng tarqalgan edi. Shunday bir sintetik madaniyatlar rivojlangan sharoitda xalqning ilg'or ziyolilari turli tillarni egallashga intilishgan. Beruniy ham qadimgi xorazm tilidan tashqari, arab, so'g'diy, fors, yunon, suryoniy va qadimiy

yahudiy tillarini puxta bilgan va shu tillarda yozilgan adabiyotlarni o'qiy olgan. Keyinchalik Mahmud G'aznaviy bilan Hindistonga borganida sanskrit (qadimgi hind tili) tilini ham o'rganib olgan. Beruniy yashagan davrda Qur'oni yod olish odati keng yoyilgan edi. Bu odat kishilarning xotirasini chiniqtirgan va turli tillarni o'rganishga rag'batni kuchaytirgan. Bundan tashqari, xorazmliklarning xotiraga zo'r berishlarining sababini Beruniy shunday izohlaydi: "Qutayba Xorazm xatini yaxshi bila-digan, ularning xabar va rivoyatlarini o'r-gangan va bilimini boshqalarga o'rgatadigan kishilarni halok etib, butkul yo'q qilib yubor-gan edi. Shuning uchun u [xabar va rivoyatlar] islom davridan keyin, haqiqatni bilib bo'lmaydigan darajada yashirin qoldi... Keyin Qutayba ibn Muslim al-Bohiliy xorazm-liklarning kotiblarini halok etib, bilimdonlarini o'ldirib, kitob va daftarlarini kuydirganligi sababli ular savodsiz qolib, o'z ehtiyojlarida yodlash quvvatiga suyanadigan bo'ldilar". Arablar VII—VIII asrlarda butun Markaziy

¹ Beruniy A. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar (Osori al-boqiya) // Tanlangan asarlar. 1-tom. T.:Fan, 1968. 72-b., 76-b.

Osiyonibosib olish uchun yurish boshlagan. Arab sarkardasi Qutayba ibn Muslim al-Bohiliy o'ta shafqatsizlik bilan yurish qilib, Qadimiy Xorazmning madaniy yodgorliklarini, ibodatxonalarini vayron qiladi, kitoblarini gulxanda yondiradi. Qadimiy Xorazm fan-madaniyatini yaxshi egallagan, qadimiy qo'lyozmalarini o'qiy oladigan olimlarni qatl qiladi. IX – X asrlarga kelib somoniylar sultanati vujudga kelgach, fan va madaniyat yana yuksala boshlaydi. Turkiy xalqlarning sharqiy hududlarida mustaqil davlatchilik an'analarini tiklab olgan Qoraxoniyar 995–997-yillari somoniylar davlatiga qarshi yurish qiladi. Kot shahri Urganch amiri Ma'mun I (995–997) tomonidan bosib olinadi va afrig'iylar sulolasi barham topadi. Qoraxoniyar asta-sekin butun Movaroun-nahrni egallaydi. Ular arab hukmdorlari bilan kelishib, Amudaryoning o'ng sohilidagi yerlarni butunlay o'zlariga qaratib oladi. 997–1017-yillarda hokimiyat Ma'mun birinchining o'g'li Ma'mun ikkinchi qo'lliga o'tadi. U poytaxtni Urganchga ko'chiradi va ancha ma'rifatparvar inson bo'lganligi sababli ilm-fan taraqqiyotiga rahnamolik qilgan.

Urganchda “Ma’mun akademiyasi” tashkil etiladi. Ko’p mamlakatlardan ilm-fan bilan shug’ullanuvchi olimlarni bu yerga olib kelib, ularga yaxshi sharoitlar yaratiladi. Beruniy shu olimlarning yetakchilaridan biri edi. Uning atrofida yaxshi ilmiy jamoa to’plangan. Bu davrda yurtimizda ilm-ma’rifat, fan va madaniyat yana yuksala boshlagan. 1017–1018-yillar Xorazmda yana notinchlik davri boshlandi. Bir tomondan Movarounnahrda qoraxoniylar hukmronligi, ikkinchi tomondan Xu roson va Afg’onistonda o’rnatilgan Mahmud G’aznaviy hukmronligi (998–1030) o’rtasidagi nizolar Xorazmida shakllangan ma’rifat o’chog’ining barbod bo’lishiga olib keldi. Beruniy umrining oxirigacha g’aznaviylar qo’lida xizmat qiladi. XIII asrning ikkinchi yarmida yashagan mashhur hakim va xattot G’azanfar at-Tabriziyning yozishicha, Abu Rayhon Beruniy 1048-yilning 13-dekabrida (440-hijriy yil rajab oyining 3-kunida) G’azna shahrida vafot etgan. Bu olim Beruniyning so’nggi asari “Saydana”ni ko’chirgan. Beruniyning tarjimai holini yozgan tarixchi olim Abu Abdulloh Shahobiddin Yoqub (Yoqut) ibn Abdulloh ar-Rumiy Hamaviy

(1179–1229)ning yozishicha, Beruniy vafot etganida, ancha keksayib, 80 yoshdan oshib qolgan edi deb, uning vafotini hijriy 443- (milodiy 1051–1052) yil deb yozgan.

Ustozlari

Beruniy yoshligida ustozи mashhur olim Abu Nasr ibn Iroq Mansur ibn Alidan (? – 1036) ta'lim olib ilм sirlarini o'rgangan. Beruniy bu ustozini ko'pgina asarlarida hurnat bilan tilga olib o'tadi. Ibn Iroqning ham Beruniyga mehri kuchli bo'lган. U astronomiya, geometriya va matematikaga oid 12 ta asarini shogirdi Abu Rayhon Beruniyga bag'ishlab yozgan va bu ulug' shogirdini ko'p asarlarida hurnat bilan tilga olgan. Ibn Iroq Beruniyni Yevklid geometriyasi va Ptolomeyning astronomik ta'limoti bilan tanishtiған. U o'z shogirdining nihoyatda iste'dodli ekanligini ta'kidlab, Beruniyning yoshligida mustaqil astronomik kuzatish ishlarini olib borganligini (994– 995-yillar), buning uchun maxsus astronomik asbob hain ixtiro qilganligini yozib qoldirgan¹. 995–997-yillari Kot Ma'mun I tomonidan bosib olingandan keyin afrig'iylar sulolasи tugatildi.

¹ Бирунӣ. Минералогия. М., Изд-во АН СССР, 1963. С.273.

Shu davrda taxtdan tushirilgan amir xizmatida bo'lgan Beruniyning hayoti ham xavf ostida qoladi va u 22 yoshida Xorazmni tark etishga majbur bo'ladi. U dastlab Kaspiy dengizining janubi-sharqida joylashgan Jurjon shahriga borib, u yerda muhojirlikda yashaydi. So'ngra Eronning Ray shahriga borib istiqomat qiladi va u yerda nihoyatda faqirlikda kun kechiradi. Hatto ilmiy munozaralarda ham puldor olimlar uning muhtojligi ustidan masxara qilib kulishardi. Bu haqda Beruniy shunday eslaydi: "Ray shahrida bir olim astronomiya sohasida men bilan bahsga kirishdi va garchi u ilmda mendan ancha past tursa-da, mendan o'zini yuqori olib, hatto kaminani haqorat ham qildi. Vaholanki, oramizda faqat boylik ortiqchaligi va maqtovlarni yomonliklarga, faxrlarni ayblarga aylantiruvchi kambag'allik bor edi, xolos. Chunki men u vaqtida hamma tomondan qiyinchilikka uchrab, parishonhol edim"¹. Beruniy Ray shahrida isfahonlik bir savdogar do'stining uyida mehmon bo'lib yashagan. O'rta Osiyoda vaziyat mo'tadillasha boshlagach, olim Raydan yana Jurjonga qaytib keladi va bu

¹ Abdullayev I. Beruniy va uning "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" asari. / Beruniy. Tanlangan asarlar. 1-tom. T.:Fan, 1968. 7-b.

joyda ikkinchi ustozı – tabib, astronom va faylasuf Abu Sahl Iso bin Yah'yo al-Masiliy al-Jurjoniy (? – 1010) bilan tanishadi, undan ta'lif oladi. Shuningdek, Beruniyning Abdul Avval ibn Abdusamad ismli ustozini sulton Mahmud G'aznaviy karmatlikda ayblab qatl ettirgan. Bu haqda Yoqub Hamaviy yozib qoldirgan.

Hukmdorlar saroyida

928–1042-yillari janubi-g'arbiy Xorazm va Kaspiy dengizi oldi viloyatlariga ziyyoriylar sulolasining mashhur vakili Qobus ibn Vashmgir hukmronlik qilgan. Bu hukmdor Beruniyga vazirlilik lavozimini taklif qilgan, ammo Beruniy bu lavozimni rad etib ilm bilan shug'ullanishga jazm qiladi. 1000-yili Beruniy jahon fani tarixida qimmatbaho manba hisoblangan “Osori al-boqiya” (“Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar”) asarini yozadi va mazkur asarni “Shams al-Maoliy” (“Oliy martabalar quyoshi”) laqabi bilan mashhur bo'lgan hukmdor Qobus ibn Vashmgir(1012-yili o'ldirilgan)ga bag'ishlaydi. Qobus ibn Vashmgir hukmdorlar orasida ilm-ma'rifatga berilgan, adolatparvar

inson bo'lgan. Beruniyning yozishicha, u "xalqqaadolatli, tangrining dini va haqiga yordamchi, musulmonlar haramlarini qo'riqlovchi, ular mulkclarini talon-tarojlardan asrovchi yo'l boshchi qilib, bandalarini o'zidan minnatdor etdi"¹. Ushbu hukmdor shia mazhabining tarafdori bo'lgan. Beruniy uning saroyida yashagan davrlarida o'zini shia mazhabiga yon bosganday qilib ko'rsatadi, ammo "Osori al-boqiya" asarida shialarni tanqidiy baholagan. Beruniy dinda mo'tadillikni yoqlagan va barcha mazhablarga nisbatan bag'rikenglik bilan qarash tarafdori bo'lgan. 1005-yili Beruniy o'z yurtiga – Xorazmga qaytadi. 1010-yili Abul Abbas Ma'mun II ibn Ma'mun (? – 1017) Beruniyni Xorazmning yangi poytaxti Urganchga olib kelishga farmon beradi. U Beruniyni ustoz sifatida hurmat qiladi. Beruniy ham "Xorazmning mashhur kishilar" degan asarida Abul Abbas Ma'mun IIning yaxshi sifatlarini tavsiflab o'tgan. Ma'mun Ining o'g'li Ma'mun II abbosiyalar xalifaligining 3-avlod edi. U

¹ Beruniy A. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar (Osori al-boqiya). Tanlangan asarlar. 1-tom. T.: Fan, 1968. 72-b., 39-b.

o'zining bobosi Xorun ar-Rashid izidan borib ilm-fan taraqqiyotiga homiylik qiladi, Xorazmda ilmiy akademiya tashkil qiladi. Bu "Xorazm Ma'mun akademiyasi"da Abu Sahl al-Masihiy, Abu Nasr ibn Iroq, tabib Abul Hasan Hammor, mashhur tarixchi Ibn Miskavayh (vaf.1030), Ibn Sino va Beruniy singari zamonasining taniqli olimlari to'plangan edi. Beruniy Ma'mun II saroyida katta obro'-e'tiborga sazovor bo'lgan va u o'z mavqeidan foydalanib, qimmatbaho toshlar, kamyoob metallar ustida kuzatishlar olib borib, mineralogiya sohasida katta kitob yozadi. "Kitob al-jamohir fi ma'rifat al-javohir" ("Qimmatbaho toshlarni bilib olish bo'yicha ma'lumotlar to'plami") mineralogiyaga oid yirik asar bo'lgan. Ma'mun saroyida Beruniy 7 yil ishlaydi. Zamonasining yetuk olimi Abu Ali ibn Sino (980–1037) bilan ilmiy hamkorlik qilgan, munozaralar olib borgan. Beruniyning Ibn Sino bilan fizik qonuniyatlarga oid yozishmaclarining bir qismi saqlanib qolgan¹. 1017-yili Xorazmga g'aznaviyilar hukmdori Mahmud G'aznaviy hujum qiladi. Mahmudning kelishidan xabardor bo'lgan

¹ Qarang: Beruniy bilan Ibn Sinoning savol-javoblari. T.:Fan, 1973.

Ma'mun II saroy a'yonlari va olimlarni to'plab, ularga, agar xohlasa Mahmud G'aznaviy saroyida xizmat qilishni davom ettirishi, xohlamaşa vaqt borida Urganchdan ketishi lozimligini uqtiradi. Ko'pchilik amaldorlar va ba'zi olimlar, ular orasida Ibn Sino ham, saroydan ketishga qaror qiladilar. Bu vaziyatdan foydalangan muxolif kuchlar 1017-yili Ma'munga suiqasd uyushtirishadi. Ma'mun o'limidan so'ng Beruniy ham saroydagi boshqa olimlar qatori Mahmud G'aznaviyning asiri sifatida G'azna shahriga olib ketiladi. Bu Beruniy uchun juda tahlikali ahvol edi. Mahmud G'aznaviy farmoniga ko'ra, Beruniy bilan Abdusamad Avval qatl etilishi lozim edi, chunki ular Ma'mun IIning sadoqatli amaldorlari qatoriga kirar edi. Mahmudning vaziri Xo'ja Hasanning oraga tushishi tufayli Beruniy omon qoladi. 1017-yildan to 1030-yilgacha Beruniy G'aznaviy qo'l ostida tahlikali hayot kechiradi. Mahmud doimo o'zining barcha yurishlarida, Hindistonni zabit etishida munajjim sifatida Beruniyni o'zi bilan birga olib yurardi. U Beruniyni bir necha bor o'limga hukm qiladi, zindonga tashlaydi, xullas, Beruniy

Mahmudning qosh-qovog'iga qarab yashashga majbur edi. Mahmud saroyida ham Beruniy o'zining ilmiy izlanishlarini to'xtatmagan, G'aznaviyning Hindistonga yurishi davrida to'plagan ma'lumotlari asosida yirik "Hindiston" ("Hindlarning aqlga sig'adigan va sig'maydigan ta'limotlarini aniqlash") nomli asarini yozgan. Bu asar hozirgacha o'zining ilmiy-nazariy qiymatini yo'qotmagan. 1030-yili Mahmud vafot etgach, uning vasiyatiga ko'ra kichik o'g'li Muhammad taxtga o'tiradi. Ammo bir necha oydan keyin Mahmudning katta o'g'li Mas'ud (1030–1041) ukasini taxtdan ag'darib, hokimiyatni undan tortib oladi. Mas'ud davrida Beruniyning ahvoli yaxshilanadi, chunki, Mas'ud Beruniyga xayrixoh bo'lib, undan ko'p narsalarni o'rgangan edi. Beruniy Mas'udning arab tilini o'rghanishiga yordamlashgan, astronomiya asoslarni egallashiga ko'maklashgan. Mas'ud esa Beruniyning hurmatini joyiga qo'yib, uning ilm bilan shug'ullanishiga yaxshi shart-sharoitlar yaratib, har doim in'om va hadyalar bilan taqdirlab turgan. Mas'udning homiyligidan minnatdor bo'lgan Beruniy unga bag'ishlab

“Mas’ud qonuni” degan asar yozgan. Shu asarning so‘zboshisida Mas’ud haqida “u... ilmga xizmat qilishim uchun ochiq yuz bilan imkoniyat berdi, chunki u menga ziynat libosini kiygizib inoyat ko‘rsatdi”, – deb yozadi Beruniy. Bu asar astronomiya va matematika ilmlariga oid mukammal qo’llanma sifatida o’sha davrdan ilgarilari shu sohalarga oid yaratilgan barcha asarlarning eng a’losi edi.

Shogirdlari

Beruniyning shogirdlari haqida quyidagi ma'lumotlar bor. Avvalo Abul Abbas Ma'mun II ibn Ma'mun o'zini Beruniyga yaqin tutib, undan saboqlar olgan va o'zini Beruniyning shogirdiman deb hisoblagan. Ayrim manbalarda Beruniyning Masihiy va Abu Ali Hasan ismli shogirdlari ham bo'lganligi haqida ma'lumotlar uchraydi.¹ Shuningdek, Qobus ibn Vashmgir saroyida ham Beruniydan saboq olgan shogirdlari bo'lgan, ammo ularning nomlari saqlanib qolmagan. Mahmud G'aznaviy ham ba'zan Beruniyga ustozim deb murojaat qilgan. Uning katta o'g'li Mas'ud ham Beruniyni eng ulug' ustozim deb bilgan

¹ Qarang: Beruniy o'rta asrning buyuk olimi. T.:Fan, 1950. 112-b.

va unga homiylik qilgan. Beruniy bu shogirdiga bag'ishlab "Al-Qonun al-Mas'udiy" asarini yozgan. Beruniy bilan Ibn Sino bir-biriga ustoz va bir-biriga shogird bo'lishgan. Ularning bir-biriga yozgan savollaridan 18 tasi bizgacha yetib kelgan. Bu yozishmalarda ikki zabardast olimning bir-biriga bo'lgan e'tiqodining naqadar kuchliligi sezilib turadi.

Beruniyning yozgan asarlari

1035–1036-yillari Beruniy o'zi yozgan asarlari ro'yxatini tuzgan va mazkur ro'yxatda 113 ta asarning nomini keltiradi. Bu asarlardan 70 tasi astronomiyaga, 20 tasi matematikaga, 12 tasi geografiya va geodeziyaga, 3 tasi mineralogiyaga, 4 tasi kartografiyaga oiddir. Agar olimning shundan keyin yashagan 13 yil ichida yozgan 50 dan ziyod asarlarini ham qo'shadigan bo'lsak, ularning umumiyligi soni 160 dan oshadi. Ayrim manbalarda Beruniy 200 dan ziyod asar yozganligi haqidagi ma'lumotlar ham uchraydi. Beruniy yozgan har bir asar o'ziga xos ensiklopediya edi. Masalan, uning dastlabki asarlaridan "***Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar***" («Al-osor al-boqiya an al-

qurun al-xoliya») asari qadimgi Xorazmda o'tgan xalqlarning, qadimgi yahudiylar, nasroniyalar, majusiylar va musulmonlarning urf-odatlari, an'analari, bayramlari, taqvimlari, dinlari, payg'ambarlari, muqaddas kitoblari haqidagi barcha ma'lumotlarni o'zida to'plagan yaxlit ensiklopediya bo'lib, u Yevropada "Xronologiya" nomi bilan mashhurdir. Bu asarni olim 27 yoshida, ya'ni 1000-yili yozib tugallagan. Asar arab tilida yozilgan va Qobus ibn Vashmgirga bag'ishlangan. Bu asarning birinchi nashrini nemis olimi, beruniyshunos Eduard Zaxau 1876–1887-yillarda Leypsigda bosib chiqaradi. 1879-yili uning inglizcha tarjimasini nashrdan chiqaradi. 1950-yili sharqshunos olim A.Rasulov asarning bir qismini o'zbekchaga tarjima qiladi, 1957-yili bu asar arabshunos olim M.A.Salye tomonidan rus tiliga tarjima qilinadi va nashr etiladi. 1968-yili A.Rasulov tomonidan bu asarning o'zbek tilidagi to'liq tarjimasi "Fan" nashriyotida bosilib chiqadi. Beruniyning "**Kitob ul-maqolot val-arz vad-diyonot**" ("Maqolalar, e'tiqodlar va dinlar haqida kitob"), "**Kitob fi axbori Xorazm**" ("Xorazm xabarlari haqida

kitob”), “**Kitob tarixi ayyom as-sulton Mahmud va axbori abiki**” (“Sulton Mahmud davri tarixining kitobi va otasi haqidagi xabarlar”) kabi kitoblari hali topilmadi. Ularni jahon kutubxonalari va shaxsiy kitob xazinalaridan axtarishni davom ettirish lozim. Beruniy Jurjon hukmdori Vashmgir saroyida yashab yurgan davrida qimmatbaho toshlar va minerallar haqida “**Mineralogiya**” asarini (“Kitob al jamohir fi ma’rifat al-javohir” — “Qimmatbaho toshlarni bilib olish bo‘yicha ma’lumotlar to‘plami”) yozgan. Bu asar hozirga qadar o‘zining amaliy ahamiyatini yo‘qotmagan. Bu asarda muallif 300 dan ziyod minerallar va ularning fizik (qattiqligi, solishtirma og‘irligi, rangi, qirralarining tuzilishi va boshqalar), ximiya viy (tarkibida qanday moddalar borligi, suv va olovga chidamliligi) xususiyatlarini tushuntirib bergan. Beruniyning “Mineralogiya” asarini 1963-yili SSSR Fanlar akademiyasi nashriyotida moskvalik sharqshunos A.M. Belenitskiy rus tilida nashrdan chiqardi. Kitob shunday nomlanadi: *Беленитский А.М. Очерк жизни и трудов Бируни, «Собрание введений для познания*

Abu Rayhon Beruniy

драготсеноцей (минералогия)», М.
Издательство АН СССР, 1963.

1025-yil 18-noyabrdada Beruniy “**Geodeziya**” (“Tahdid nihoyot il-amokin li tashih masofot al-masokin”, “Turar joylar (orasidagi) masofalarni aniqlash uchun manzillarning chegaralarini belgilash”) asarini yozib tugatgan. Geodeziyada matematik geografiya asoslari mufassal bayon qilinadi. U asar 1966-yili Toshkentda Istanbul nashridan rus tiliga tarjima qilib nashr qilindi. “**Munajjimlik san’atidan boshlang’ich tushunchalar**” asari 1029-yili G’aznada yozilgan bo’lib, unda astrologiyaga oid asosiy tushunchalar sodda qilib izohlab berilgan. Uni Yevropacha qilib, “Astrologiya” deb atasak bo’ladi. Bu asarni O’zbekiston Fanlar akademiyasining Abu Rayhon Beruniy nomidagi sharqshunoslik instituti olimlari va Moskva sharqshunoslari A.Ahmedov, B.A.Rozenfeld, M.M.Rojanskaya, A.Abdurahmonov va N.D.Sergeyevalar hamkorlikda rus tiliga tarjima qilishib, “Kniga vrazumeniya nachatkam nauki o zvezdax” degan nom bilan 1975-yili “Fan” nashriyotida nashr etishdi. U davrda astrologiya tushunchasini qo’llash

kitobning nashr etilishiga xalaqit berar edi. Shu sababli kitob nomi g'alatiroq bo'lib qolgan. **"Hindiston"** ("Tahqiq mo lil hind min ma'qula maqbula fi-l-aql av marzula", "Hindlarning aqlga sig'adigan va sig'maydigan ta'limotlarini aniqlash") deb nomlangan asari 1030-yili yozib tugatilgan. Bu kitobda Hindiston xalqlari tarixining turli sohalari (aniq fanlar, adabiyot, falsafa, elshunoslik (etnografiya), geografiya, demografiya, qonunlari va urf-odatlari, dini, diniy rivoyatlari, hind yozuvining turlari, e'tiqod usullari haqida batafsil ma'lumotlar berilgan. Shuningdek, Beruniy bu asarida sanskrit tilidagi manbalardan ham keng foydalangan. Bu til bizgacha yetib kelmagan. Beruniy esa bundan ming yil ilgari bu tilni maxsus o'rgangan. Kitobning arabcha matni 1887-yili, inglizcha tarjimasi esa 1888-yili Londonda E.Zaxau tomonidan nashr etiladi. Arabcha matn 1858-yili Haydarobodda ham nashrdan chiqarilgan. Bu kitob 1963-yili rus tilida, 1965-yili esa o'zbek tilida nashrdan chiqarilgan. **"Mas'ud qonuni"** ("al-Qonun al-Mas'udiy") nomli asarni 1030-yildan keyin G'azna sultonasi Mas'udga bag'ishlab yozadi.

Unda matematik astronomiyaning asosiy qoidalari, yoritqichlarning koordinatalari, ularning harakatlanish tartiblarini hisoblab chiqarish yo'llari batafsil tushuntirilgan. Bu kitobda bayon etilgan ta'limotlarning aksariyatini Beruniy "Qur'on" oyatlari bilan solishtirgan. Bu uning "Qur'on"ni yaxshi bilganligidan dalolat beradi. Shuningdek, mazkur kitobda Beruniy tuzgan yulduzlar jadvali – Beruniy ziji ham ilova qilingan bo'lib, mazkur jadvalda 1029 ta yulduzning koordinatalari va yulduz kattaliklari Ptolomey va arab astronomi as-So'fi jadvallariga asoslanib berilgan. Bu asar birinchi bor bir qancha arab qo'lyozmalari asosida Haydarobodda nashr qilinadi. Rus tilida Moskvada 1962-yili bosib chiqarilgan. O'zbekistonda esa 1973-yili rus va o'zbek tillarida 2 kitobdan iborat qilib "Fan" nashriyotida bosildi. Beruniy "Hindiston" asarida Yerning harakatlanishi haqidagi mulohazalarini bayon etar ekan, bu asarni yozishdan ilgari Yerning harakatlanishi to'g'risida "Miftohu ilmi-l-hay'a" ("Astronomiya kaliti") degan asarida chuqurroq to'xtalganligini bayon etgan. Lekin bu asar

bizgacha yetib kelmagan. Beruniy umrining oxirida, ya'ni 1045-1048-villarda "**Dorivor o'simliklar haqida kitob**" ("Kitab assaydana fi-t-tibb") asarini yozgan. Bu asar tarixga "Saydana" ("Farmakognoziya") nomi bilan kirgan bo'lib, uning to'liq qo'lyozmasi XX asrning 20-30-yillarida Turkiyada topilgan. Bu asarda Sharqda, xususan Turkistonda o'sadigan barcha dorivor o'simliklar va ularning farmakologik xususiyatlari haqida ma'lumotlar berilgan. Bu asarni taniqli sharqshunos olim U.I.Karimov rus tiliga tarjima qilib, 1974-yili "Fan" nashriyotida bosmadan chiqargan. Beruniyning o'zi "Hindiston" asarida yozishicha, uning "Astronomiya kaliti" nomli risolasi bo'lgan va mazkur risolada Yer shari harakatlanishining xususiyatlarini bat afsil tushuntirib bergen. Bundan tashqari, Beruniyning adabiyotshunoslilikka, dinlar tarixiga, kalom ta'limotiga, hadislarga oid maqolalari, badiiy yo'nalishdagi asarlari – hikoyalari, rivoyatlari va she'rlari ham bo'lgan. Ularni ham qidirib topish, toplash, nashr etish manbashunoslар, tarixchilar, sharqshunoslар qarshisida turgan xayrli va tabarruk vazifalardan biridir.

Fanga qo'shgan hissasi

Hozirgi zamon fanlarining barchasida Beruniyning ilmiy kashfiyotlaridan u yoki bu tarzda foydalanishadi. Beruniy o'z kashfiyotlari bilan hissa qo'shmagan fan sohasi bo'lmasa kerak.

1. U birinchi bo'lib Yer shari globusini yaratgan va bu ixtirodan barcha geograf olimlar bugungi kunda bahramand bo'lishmoqda.

2. Beruniy astronomiya sohasiga katta hissa qo'shgan. U garchi olamning tuzilishiga Ptolomeyning geosentrik (ya'ni, olamning markazida Yer shari turadi, deb hisoblaydigan) sistemasidan turib yondashsa ham, bu masalaga original tarzda, ya'ni Yer sharini harakatlanuvchi sistema deb yondashadi. Bunday qarash o'sha davrlarda Yerni harakatsiz deb hisoblovchi hukmron qarashlarga zid keluvchi ilmiy jasorat edi. Beruniy "Hindiston" asarida shunday deb yozadi: "Yerning aylanish harakati astronomiya fani hisoblariga hech qanday zid kelmaydi, balki Yerda yuz beradigan hodisalar uning harakati bilan birga bir tekis davom etaveradi". Bu g'oyada inersial sistemalar haqidagi fikr mujassamlashgandir. Bunday fikrga Galileo Galiley (1564 – 1642) Beruniydan 600 yil keyin kelgan.

3. Beruniy "Istagan xil astrolyabiyanı tayyorlashning turli usullari haqida" deb nomlangan asarida Abu Sa'id as-Sijziyning astrolyabiysi xususida to'xtalib, "Uning negizi osmon harakatlanishiga emas, balki Yerning harakatlanishiga asoslanganligi uchun men uni juda ham ajoyib kashfiyat deb hisoblayman", – deb yozadi. Beruniy o'zining geosentrizmga bo'lgan shubhalarini "Geodeziya" asarida ham ochiq bayon etgan. Beruniyning bu yo'nalishdagi fikrlari geliosentrizmning vujudga kelishiga yo'l ochdi va polyak astronomi Nikolay Kopernik (1473–1543) Beruniydan 500 yil keyin olamning geliosentrik sistemasini o'rtaga tashladi.

4. Beruniy turli xil astronomik kuzatish asboblarini ham yasagan. Ulardagi kuzatish prinsiplari bugungi kungacha o'z qiymatini yo'qotmagan.

5. Beruniy osmon yoritqichlarining harakatlanish trayektoriyalari doira shaklida emas, balki ellips shaklida ekanligi haqidagi g'oyani birinchi bo'lib ilgari surgan va uni hisoblash usullarini kashf etgan. Bu usullar Yevropada yangi davrga kelib I. Kepler tomonidan nihoyasiga yetkazildi.

6. Beruniy Jurjonda yashagan paytlarida Quyoshni kuzatishga ham jiddiy e'tibor qaratadi, astronomiyada birinchi bo'lib Quyosh tojining xususiyatlarini to'g'ri talqin qilib berdi va Quyoshni kuzatishga juda berilib ketganligidan bir qancha vaqt ko'zlar yorug'likni sezmay qolganligini o'z xotiralarida yozib qoldirgan.

7. Beruniy yoritqichlardan kelayotgan nurlar nafaqat yorug'lik to'lqini, balki zarrachalardan iborat ekanligi haqidagi g'oyani ilgari surdi. Yorug'lik bir vaqtning o'zida ham to'lqin, ham zarracha tabiatiga egadir, degan g'oya XX asrdagina o'z isbotini topdi.

8. Beruniy matematika faniga juda katta hissa qo'shgan olimlardan. U birinchi bo'lib trigonometriyani alohida mustaqil fan sifatida tahlil etdi.

9. "Mas'ud qonuni" asarida yassi va sferik trigonometriyani bayon qilib, trigonometrik funksiyalarning chiziqli va kvadrat interpolativ qoidasini yaratdi.

10. Beruniy geografiya, geodeziya, geologiya fanlariga ham sezilarli hissa qo'shgan. "Geodeziya" va "Mineralogiya" nomli asarlari bevosita yuqorida aytilgan fanlarga oiddir.

11. Beruniy "Hindiston" asarida Yer yuzasining tuzilishi, dengiz va quruqlikning nisbati to'g'risida to'xtalib, shunday yozgan: "Yerning choragi ma'muradir. Ma'murani g'arb va sharq tomondan Muhit okeani (Atlantika va Tinch okeani) o'rabi turibdi. Bu Muhit okeani Yerning obod qismini dengizlarning narigi tomonida bo'lishi mumkin bo'lgan qu ruqlik yoki odam yashaydigan orollardan ikki yoqdan (g'arb va sharqdan) ajratib turadi...", deb yozgan. Bu fikrni "Mas'ud qonuni"da ham ta'kidlaydi. Xullas, Beruniy matematik hisob-kitob asosida Kolumbdan qariyb 450 yil ilgari hozirgi Amerika qit'asi bo'lishi mumkinligini bashorat qilgan.

12. Beruniy Atlantika va Tinch okeanlarining janubiy qismi bir-biri bilan tutashganligini isbotlagan, Yer sharining janubiy tomonida muz qoplagan qu ruqlik bo'lishi kerak, deb faraz qilgan.

13. Beruniy geografik kenglikni hisoblashda qo'llagan usul XVI asrda Tixo de-Brage tomonidan kashf etilgan deb kelinadi, vaholanki, bu usulni Beruniy undan 6 asr ilgari ishlatgan.

14. Jinslarning geologik kelib chiqishi, qu ruqlikning dengizlarga, dengizlarning

quruqlikka aylanish nazariyalarini Beruniy ishlab chiqqan.

15. Jismlarning Yer markaziga qarab tortilish kuchi haqidagi g'oyani birinchi bo'lib Beruniy ilgari surgan.

16. Beruniy mineralogiya va iqlimshunoslik fanlariga ham jiddiy hissa qo'shgan. Minerallarning tarkibiy tuzilishi, kristallanish hodisasi, yorug'lik nuri ta'sirida kristallarning tovlanishi tabiatni haqidagi g'oyalarni ham Beruniy ishlab chiqqan.

17. Beruniy planetalarning ko'pligi va xilma-xilligi haqidagi falsafiy g'oyani ilgari surgan. Bu g'oya 600 yildan so'ng Jordano Bruno(1548-1600) tomonidan aytildi va u shu g'oya tufayli inkvizitsiyaning gulxanida yondirildi.

18. Beruniy ijtimoiy hodisalar, jamiyat taraqqiyotida ijtimoiy muhitning o'rni, odamlar tabiatiga, ko'rinishiga geografik iqlimning ta'siri, mehnat qurollarining jamiyat taraqqiyotidagi o'rni, kishilarning moddiy ehtiyojlari, mulk va meros masalalarini birinchi bor sotsiologik tahlil qilgan.

Beruniy merosi va mustaqillik

Abu Rayhon Beruniy merosi mustaqillikdan ilgari ham o'rganilgan. Ammo u davrda asosan Beruniyning tabiiy-ilmiy merosi materialistik dunyoqarash nuqtai nazaridan o'rganilgan edi. Mustaqillik davridagina Beruniy merosiga keng qamrovli yondashuvga yo'l ochildi. Uning "Qu'r'oni karim" va "Hadisi sharif"ga munosabati, diniy mazhablar tadqiqi bugungi kunda olim va ulamolarimiz tomonidan keng tadqiq etilmoqda. Beruniyning noma'lum asarlarini izlab topish davom ettirilmoqda. Beruniy rahbarlik qilgan Xorazmdagi "Ma'mun akademiyasi"ning ming yilligi xalqaro miqyosda nishonlandi va bu tadbirlarda olimning xizmati yuqori darajada qayd etildi. Beruniyning jahon fani taraqqiyotiga qo'shgan hissasini ta'kidlovchi asarlar yozilmoqda, tadqiqotlar olib borilmoqda. Beruniyning G'aznadagi qabrini O'zbekiston Respublikasidan yuborilgan maxsus ekspeditsiya a'zolari ziyorat qilishdi va ta'mirlash ishlarini olib borishdi. Kelajakda Afg'oniston hukumati bilan O'zbekiston hukumati kelishgan holda Abu Rayhon Beruniyga maxsus maqbara qurish va Alisher Navoiy maqbarasini qayta qurish, u

joylarda obodonlashtirish ishlarini amalgalashirish rejalashtirilmoqda. Mustaqillik davrida Beruniy asarlarining ommaga ma'lum bo'limgan qirralarini ko'rsatuvchi ommabop nashrlarni chiqarish yo'lga qo'yildi. Qo'lingizdagi kitobchaning yaratilishi ham mazkur yo'nalishdagi ishlar jumlasiga kiradi.

Beruniy hayotidan ibratli voqealar

Beruniy yoshligidan sinchkov, masalaga ratsional yondashuvchi kishi bo'lgan. Hukmdorlarga ham, ularning ko'ngli uchun yolg'on gapirmagan. Mahmud G'aznaviyni ko'p nojoiz ishlardan qat'iyat bilan qaytargan. Beruniy rostgo'yligi tufayli ko'pincha hokim va amaldorlarning g'azabiga uchrab nohaq jazołangan. Mahmud G'aznaviy bir necha marta Beruniyni o'limga hukm qilgan. Shunga oid bir ibratli hodisani beruniyshunos olimlar yozib qoldirishgan.

Kunlardan birida Mahmud Beruniyni sinamoqchi bo'lib, unga savol beribdi:

— Ey munajjim! Aytgin-chi, Qur'oni karimda bashoratchilik qoralangan, lekin, ayrim munajjimlar Quyosh va Oy tutilishini oldindan bashorat qilaman deb da'vo qilishadi. Sen ham shu fikrdamisan?

— Men masalaga mantiqan yondashish tarafdoriman. Shunday hodisalar borki, ularning harakatlanishini o'lchab, agar unga tashqi kuch xalaqit bermasa, falon narsa, falon vaqtida, falon joyda bo'ladi, deb bashorat qilish mumkin. Shunday hodisalar borki, ularning holati biz biladigan ta'sirlardan yashiringan bo'ladi, ularning sababini bilmaganimiz uchun bashorat qilib bo'lmaydi. Qur'oni karimda ana shunday hodisalarni nazarda tutib soxta bashoratchilik, folbinlik qoralangan. Yolg'onchilardan bizni xudoning o'zi asrasin. Osmon yoritqichlarining harakatlanishi bir tekisda o'zgarishsiz boradi va muayyan qonuniyatlarga bo'ysunadi. Shu sababli ularni oldindan aytib berish mumkin. Falakiyot ilmiga tayanib, Quyosh va Oy tutilishini oldindan bashorat qilish mumkin.

Mahmud bu fikrni eshitgach, g'azabi qaynaydi va ataylab Beruniyni mulzam qilish niyatida yana savol beradi:

Abu Rayhon Beruniy

— Ey “bashoratchi”, sen hozir men shu binoning qaysi eshididan chiqishimni o‘z ilmingga tayanib topgin-chi?

Mahmud shu payt 12 ta eshigi bor aylana shaklidagi binoda majlis qurayotgan edi. Beruniy Mahmudning vajohatini yaxshi anglab yetdi va bir qog‘ozga bir qancha so‘zni yozib, uni Mahmudga uzatdi. Mahmud qog‘ozni o‘zi o‘tirgan o‘rindiq tagiga bekitib qo‘ydi. Mahmud shunda Beruniyga istehzoli qarab, xizmatkoriga buyurdi:

— Zudlik bilan bu yerga duradgorni chaqirib kel, mening ro‘paramdagi devordan 13-eshikni ochsin! — dedi. Duradgor kelib 13-eshikni o‘rnatdi. Mahmud shu eshikdan chiqib ketdi. Biroz vaqtdan so‘ng, hammalari shu joyga yana to‘plangach, Mahmud Beruniy yozgan qog‘ozni bekitilgan joydan oldi. Majlisda guvoh bo‘lganlardan biri qog‘ozni o‘qidi. Qog‘ozga shunday so‘zlar bitilgan edi: “Hukmdor! Siz bu binodagi 12 ta eshikning birortasidan chiqmaysiz. Ro‘parangizdan 13-eshikni ochtirib, o‘sha eshikdan tashqariga chiqasiz”. Majlis ahli bu holatdan nihoyatda hayratga tushishdi. Mahmudning esa g‘azabdan yuzlari qizarib ketdi va amr qildi:

— Bu shakkok olimni zindonga tashlanglar!
Hukm ijro etildi.

* * *

Beruniy umr bo‘yi ilm-ma’rifat egallash yo‘lida tinimsiz mehnat qilgan. Hatto umrining so‘nggi daqiqalarida ham ilmgaga intilish tuyg‘usi unda so‘nmagan. Yoqt Hamaviy Beruniyning yaqin kishilaridan biri bo‘lgan qozi Valvolijiy tilidan quyidagi voqeani keltiradi:

“Men Abu Rayhon huzuriga u og‘ir nafas olayotgan, xirillab jon berayotgan vaqtda kirdim. U menga «Meroslarni noto‘g‘ri bo‘lish haqida aytganlarining takrorlab ber», — dedi. Men unga rahm qilib: «Shunday ahvolda-ya!», — dedim. U esa: «Ey falonchi, men uchun bu masalani bilib dunyodan o‘tib ketish, uni bilmay o‘tib ketishdan afzalroq emasmi?», — dedi. Men bu masalalarni takrorlab berishga majbur bo‘ldim. U buni yodda saqladi. Keyin menga bu haqda o‘ylaganlarini aytib berdi, shundan so‘ng men chiqib ketdim. Ko‘chaga chiqishim bilan uning uyidan yig‘i ovozi eshitildi”¹.

¹ Irshod al-arab, 6. 309-b.

* * *

Beruniy adolatli va muruvvatli bo'lishni yoqlagan. Bu borada olimning o'zi shunday hikoyani keltiradi: Xalifa Umar ibn Abdulazizning o'g'li Abdulloh ming dirhamga bir qimmatbaho toshni sotib olganini eshitib qolib, o'g'liga xat yozibdi: menga yetib kelgan xabarlarga qaraganda, bir uzuk olibsan. Senga nasihatim shu, darhol o'shani sotib, uning qiymatiga mingta ochning qornini to'yg'az. O'zingga bo'lsa, kumushdan uzuk qildir, uning ko'zi ham o'zidan bo'lsin".

Abdulloh otasi aytganday qilibdi.

* * *

Shia e'tiqodiga targ'ib qiluvchi bir kishi Beruniydan iltimos qilib, menga foyda keltiradigan biror narsani o'rgatib qo'ying, debdi.

Beruniy unga al-Kindiyning "Ishoratlar kitobi" dan o'tkir narsalardan tayyorlanadigan bir dori tarkibini yozib beribdi. Bu dori suvga tomizilib, hosil bo'lган suvga qalamni botirib, aqiq toshga chizilsa, toshdagi yozuv oq bo'lib ko'rinarkan. Buni o'rganib olgan shia "Muhammad", "Ali" va boshqa ismlarni "ajibuji" qilib yozib, "Bu falon joydan topilgan

tabiiy yozuv”, deb da’vo qiladigan va sodda shialarning pulini shiladigan bo’libdi. Beruniy esa o’zining bu darsidan pushaymon bo’lib, boshqa bunday odamlarga kimyo ilmining sirlarini oshkor qilmaydigan bo’libdi va “Ilmni nafsi uchun ishlata diganlarga o’rgatish – uning jinoyatiga sherik bo’lishdir”, – deb Allahga tavba qilgan ekan.

* * *

Beruniy hikoya qiladi: Bir kishi ittifoqo, o’zi tanimagan bir guruh bilan hamroh bo’lgan. Ular qaroqchilar bo’lib, bir qishloqni bosib xarob qilib qaytayotgan ekanlar. U kishi o’g’rilar bilan birga ozgina yurganidayoq, ularning ketidan qidiruvchilar yetib kelib, butun guruh qo’lga olingan, shular ichida haligi begunoh ham qo’lga tushgan. Bu kishi o’g’rilarga sherik bo’lmasa ham, ular bilan birga bo’lgani uchun ularga yetishgan qiyinchilik uning boshiga ham tushgan.

Abu Rayhon Beruniy

Beruniy haqida boshqalar

“Beruniy... qiziqqan sohalarni sanab chiqishdan ko‘ra, qiziqmagan sohalarini sanab chiqish osonroq”.

Akademik Y.Krachkovskiy

* * *

“Beruniy yunon falsafasini o‘rganib, hind falsafasini mutolaa qilmoq uchun sanskrit tilini o‘rgandi. Beruniy hind va yunon falsafasini bir-biriga solishtirib, bularda mavjud bo‘lgan umumiylikni ko‘rib hayratda qoldi. Beruniyning kitobi faktik materialni qamrab olish bilan birga, u urush, talon-taroj, ommaviy qirg‘inlar bo‘lishiga qaramay, fan ahllari o‘z ishlarini davom ettirganliklarini ko‘rsatib beradi. Ikki orani nafrat va xudbinlik kayfiyatları buzib turgan paytlarda ham Beruniy begona odam bo‘laturib, bu o‘lka kishilari ahvolini tushuntirishga harakat qiladi”.

Javoharla'l Neru'

¹ Неру Дж. Открытие Индии. М., 1955. С.246 – 247.

Абу Райхон Беруний

* * *

Beruniyni geologiya fanining asoschilaridan va nazariyotchilaridan eng buyugidir deyish mumkin.

Akademik Habib Abdullayev

* * *

Beruniy – XI asrning Leonardo da Vinci hisidir.

Aurel Steyn

* * *

Dunyo fani tarixida XI asrning birinchi yarmi Beruniy davridir.

J. Sarton

* * *

Beruniyni Leonardo da Vinci bilan taqqoslab, uni XI asr Leonardo da Vinci hisi deyishdi. Bu noto'g'ri qiyoslash. Axir Ptolomeyni "II asr Beruniysi" deyishmaydi-ku. Aslida Leonardo da Vinci "XV asr Beruniysi" desak mantiqli bo'lar edi.

S. Tolstov

Abu Rayhon Beruniy

* * *

Beruniyning bir o'zi butun boshli ilmiy tadqiqot institutlari ham bajara olmaydigan ishlarni uddalagan.

Yevropa beruniyshunoslari

Beruniy merosidan namunalar

* * *

Abu Rayhon Beruniy shunday deb yozadi:
"Mening hamma istaklarim, butun vujudim
ilm tarqatishga qaratilgandir va men buni
o'zim uchun eng ulug' baxt deb bilaman".

"Hindiston"

* * *

Peshvolardan olg'a o'tdim shahd ila,
Men g'avvosu ilm bo'ldi ummonim;
Hinddan so'ra Mashriq aro qadrimni,
Mag'rib meni o'qir, yo'qdir armonim.

"Hikmatlar"

* * *

Odamlar o'rgangan, odatlangan va ko'pchilikka ma'qul bo'lgan narsaga (ko'r-ko'rона) qarshilik ko'rsatma.

* * *

Tenglik hukm surgan joyda sotqin, aldamchi ehtiroslar, g'am-g'ussa bo'lmaydi.

* * *

Ko'z bilan ko'rgan eshitgandan afzaldir.

* * *

Ehson qilgan kishining minnati ehsonni yo'qqa chiqaradi.

* * *

Bilimsiz kishilarning ko'ngli xurofotga moyil bo'ladi.

* * *

Har bir insonning qadr-qiymati o'z ishini quyil qilib bajarishida.

* * *

Ba'zi bir lafz(so'z)lar borki, u(ni qo'llash) bir din (xalq) va bir tilda bema'ni bo'lsa

Abu Rayhon Beruniy

ham, boshqa bir din va boshqa bir tilda bema'ni bo'lmaydi.

* * *

Dehqonlar polizdagi qovun, tarvuz, paxta va hokazolar ishlarini yaxshi biladilar. Hatto ular oyga qarab urug'lar sochish, ekish, ko'chatlar o'tqazish, payvand qilish va changlatish, hayvonlarni urchitish va boshqa vaqtlanri aniqlaydilar. Astronomlarga Oy (faza)lari va harakatlari osmoniy, (atmosferik) hodisalarining oldindan bo'ladigan ta'siri ma'lum.

* * *

Yerning aylanish harakati nazariyasi astronomiya faniga hech bir zarar keltirmaydi, balki, yerda yuz beradigan hodisalar uning harakati bilan birga bir tekisda davom etaveradi.

* * *

Tabiatshunos inson o'zining eng yuqori darajadagi kamoliga erishish uchun o'zidagi past bo'l mish - hayvoniy sifatlariga yangi sifatlarning qo'shilishi natijasida erishdi, deyishadi. Bu bilan ular odamni bir turdan

Абу Райҳон Беруний

ikkinchi turga o'tib, insonlik darajasiga olib kelgan va uning asli tabiatiga ishora qilmoqchi bo'ladilar. Lekin ular odamni itdan otga, keyin maymunga, nihoyat hayvondan inson darajasiga yetguncha undan ustun kelib yetilganiga ishora qilmoqchi emaslar.

* * *

Sevimli narsalarga mashaqqat bilan va yaxshilikka esa o'ziga sevimli bo'lган narsalarni (birovga) sarf qilish bilan erishiladi.

* * *

Muruvvatli mard kishi o'zidan va o'ziniki ekanligiga hech kim tortishib o'tirmaydigan narsadan boshqasiga egalik qilmaydi.

Adabiyotlar:

1. Beruniyning nashr etilgan asarlari:

1. Беруний. Памятники минувших поколений. Т.:Фан, 1957.
2. Беруний. Индия.(Пер. А.Б.Хамирова, Ю.Н.Заводовского). Т.:Фан, 1963.
3. Beruniy. Hindiston. (Tarj. A.Rasulov, G'.Jalolov, Y.Hakimjonov). T.: Fan, 1965.
4. Беруний. Геодезия. (Пер. П.Г. Булгакова).Т.:Фан, 1966.
5. Beruniy. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. T.:Fan, 1968.
6. Беруний. Канон Масъуда. 1-ч. (Пер. П.Г.Булгакова, Б.А.Розенфельда). Т.:Фан, 1973.
7. Beruniy. Qonuni Mas'udiy. 1-qism.(Tarj. A.Rasulev). T.:Fan, 1973.
8. Beruniy. Hikmatlar. (To'pl. A.Irisov). T., 1973.
9. Беруний. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-саидана фи-т-тибб). (Пер. У.И.Каримова). Т.:Фан, 1974.
10. Беруний. Книга вразумения начаткам науки о звездах. (Пер.Б.А.Розенфельда, А.Аҳмедова, М.М.Рожанской, Ю.Н.Смирнова). Т.:Фан, 1976.
11. Beruniy. Geodeziya. Turar joylar (orasidagi) masofalarni aniqlash uchun manzillarning chegaralarini belgilash. (Tarj. A.Ahmedov).T.:Fan, 1982.

Абу Райхон Беруний

12. *Беруний. Математические и астрономические трактаты* (Пер. П.Г. Булгакова, Б.А. Розенфельда). Т., 1987.
13. *Beruniy. Tarvihalar: «Javohirot» kitobidan (arabchadan M.Tursunov tarj.)*. Т., 1991.
14. *Beruniy. Feruza (Javohirlar haqida naql va hikoyatlar)*. Т., 1993.
15. *Beruniy. 100 hikmat: Ibratli so‘zlar*. (tarj. A.Irisov). Т., 1993.

2. Beruniy haqidagi adabiyotlar:

1. Семёнов А.А. Ал-Беруни – великий ученый средневекового Востока и Запада. // Литература и искусство Узбекистана. Кн.1. Т., 1938.
2. *Beruniy o‘rta asrning buyuk olimi (maqolalar to‘plami)*. Т., 1950.
3. Садыков Х.У. Бируни и его работы по астрономии и математической географии. М., 1953.
4. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избр. соч., т.4, М., 1957.
5. Mo‘minov I.M. O‘zbekistonda ijtimoiy-falsafiy tafakkurning rivojlanish tarixidan (XIX asr oxirlari va XX asr boshlari). Т., 1960.
6. Sale M.A. Abu Rayhon Beruniy. Т., 1960.
7. Matvievskaya G.P. Beruniy va tabiiy fanlar. Т., 1963.
8. Irisov A. Beruniy va Hindiston. Т., 1963.

9. Розенфельд Б.А., Краснова С.А., Рожанская М.М. О математических работах Абу Райхана Беруни. // Из истории науки и техники в странах Востока. Вып. 3. М., 1963.
10. Tolstov S.P. *Qadimgi Xorazm madaniyatini izlab*. Т., 1964.
11. Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. М., 1966.
12. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Т.:Фан, 1972.
13. Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. Т.:1972.
14. Кедров Б.М., Розенфельд Б.А. Абу Райхан Беруни (К 1000 летию со дня рождения). М., 1973.
15. Розенфельд Б.А., Рожанская М.М., Соколовская З.К. Абу-р-Райхан ал-Бируни. М.:Наука, 1973.
16. Beruniy bilan Ibn Sinoning savol-javoblari. (*Mas'ul muharrir S.Mutalipov*). 2-nashr.T., 1973.
17. Qayumov A. Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino. – Т., 1987.
18. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. (Под ред. ред. П.К.Хабибуллаева и А.Ф.Файзуллаева) Т.:Фан, 2000.
19. Falsafa. Qomusiy lug'at. Т.:Sharq, 2004.
20. To'rayev Q. Olam yog'dusi yoxud qiziqarli fizika. Т., 2009.

“МУТАФАККИРЛАР”
илемий-оммабоп рисолалар туркуми

Бахтиёр ТҮРАЕВ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

Муҳаррир Ақбар ЗАМОНОВ
Бадиий муҳаррир Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Техник муҳаррир Олмос МУҲТОРОВ
Мусаҳҳиқ Гулргүз АТҲАМОВА
Саҳифаловчи Ҳусан САҒАРАЛИЕВ

Босишига 20.08.2010 руҳсат этилди.
Бичими 60x84 1/32. Ҳажми 3 б.т. Адади 10 000.
Буюртма № 032. Баҳоси келишилган нархда.

Оригинал макет
«TAFAKKUR» нашриёти
медиа марказида тайерланди.

Рисола «Ўзбекистон» НМИУ ҳамда «TAFAKKUR»
нашриёти босмахоналари ҳамкорлигида чоп этилди

«TAFAKKUR» нашриёти.
www.tafakkur.uz
E-mail: maktab@tafakkur.uz
Телефонлар: (+99871) 271-23-42, 440-37-16, 401-36-

Тошкент шаҳри. Чилонзор тумани,
Чилонзор кӯчаси. 1-й